

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти**  
**Роман-герман филологияси факультети**

**Немис филологияси кафедраси**

**Неъматулла Элмуродов**

**Этимология**

**Самарқанд – 2013**

**Н.Элмуродов. Этимология. Ўқув-услубий қўлланма.-С.:СамДЧТИ  
нашри, 2013.-88 бет.**

Мазкур ўқув-услубий қўлланма бакалаврият таълими немис филологияси йўналиши 3-курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан 10 та мавзу ўрин эгаллаган. Уларда “Этимология: мақсад ва вазифалари”, “Герман тилларининг фонетик қонуниятлари”, “Туркий тилларнинг умумий фонетик қонуниятлари”, “Грамматик ва лексик шаклларнинг этимологияси”, “Этник омиллар. Этноойконимлар”, “Топонимлар этимологияси”, “Табиат ва астрономик тушунчалар, инсон фаолияти билан боғлиқ предметлар этимологияси” каби бўлимлар жой олган. Ушбу масалалар ҳинд-европа ва туркий тиллар, хусусан, немис, рус ва ўзбек тиллари материаллари асосида ёритилган.

Ишда сўзнинг этимони (=дастлабки шакли)ни аниқлашда унинг шакли ва семантикасида содир бўлган ўзгаришларга катта эътибор қаратилди. Шунингдек, сўз маъносининг эволюциясида унинг тарихий омиллар билан боғлиқлиги масаласи ҳам таҳлил марказида бўлди.

Қўлланма талабаларга этимология фанидан умумий тушунча ва кўникма бериш қаторида уларнинг бутун таълим давомида назарий фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришларига ҳам ёрдам беради. Шу жиҳати боис ундан магистрантлар ҳам фойдаланишлари мумкин

**Масъул муҳаррир:     доц. М.Бегматов**

**Такризчилар:         доц. Б.Примов,  
                              доц. А. Нурмухаммедов**

**© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2013.**

## **Мавзу: Кириш**

### **Этимология: мақсад ва вазифалари**

#### **Режа:**

1. Этимология.Фаннинг мақсад ва вазифалари.
2. Этимология тилшуносликнинг бўлими сифатида.
3. Этимологиянинг тил сатҳлари билан муносабати.

#### **Адабиётлар**

1. Жирмунский В.М.История немецкого языка.Изд-е 5-е.-М.:Высшая школа, 1965.-С.386-394.
2. Реформатский А.А. Введение в языковедение. Изд-е 4-е.-М.: Просвещение, 1967.-С.101-102.
3. Этимология. Исследования по русскому и другим языкам.-М.:Изд-во АН, 1963.-С.3-4.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 -жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005.-Б.281.

**Таянч сўз ва иборалар:** этимология, сўз, морфема, этимон, тил, фонетик ўзгаришлар, грамматик ўзгаришлар, семантика, тил тарихи, диалектология, сўз ясаши, терминология, лингвистик география.

**1. Этимология. Фаннинг мақсад ва вазифалари.** Этимология – бу сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот бўлиб, грек тилидаги etymologi (<etymon-“ҳақиқат” ва logos-“сўз”, “таълимот”)дан олинган. Этимология икки маънога эга: “сўзларнинг келиб чиқиши” ва “сўзларнинг келиб чиқишини ўрганиш” дегани.

Этимологияда лингвист сўзлардаги товушларнинг шунчаки тасодифий мос тушишига эмас, балки турли тиллар товушларидаги ҳамда муайян тил таракқиётининг турли босқичларида қонуний мос тушиши, шунингдек, маъноларнинг қонуний муносабатига эътибор қаратади. Бунинг учун у

сўзларнинг фонетик қонуниятларини, уларнинг грамматик қурилишини билиши лозим.

Масалан, рус тилидаги “караул!” деган хитобнинг этимологиясини билиш учун уни туркий тиллардан кириб келган “қоровул” сўзи билан солиштириш керак. Туркий тилда у буйруқ майли ва воситасиз тўлдирувчи маъносидаги “охраняй аул” (кара авыл) бирикмасини англатган [Реформатский 1967:101-102], яъни “қара овул” (“овулга қара”) дегани.

Этимологик тадқиқотларда сўзнинг этимологик таҳлили методикаси, этимология ва маданият тарихи, лексик гуруҳлар этимологияси, этимология ва реконструкция масаласи, этимологиянинг сўз яшаш аспекти, сўзларнинг этимологияси, диалектологик манбаларнинг тил тарихи билан боғлиқлиги, тилларнинг ўзаро алоқалари ва ўзлашма (субстрат) каби муаммолар муҳим ўрин тутди. Бунда у ёки бу шаклларнинг келиб чиқиши (генетик) жиҳатдан умумийлиги, параллелизми ёки типологик жиҳатдан ўхшашлиги каби масалалар долзарб ҳисобланади [Этимология 1963: 3-4].

Бизнингча, юртимизда этимологик тадқиқотларни жонлантириш, марказлаштириш ва фаоллаштириш пайти етиб келди. Бунда дастлаб топонимика, сўз ясалиши, соҳалар терминологияси, семасиология, лингвистик география, тил тарихига оид изланишларни координация қилишдан бошлаш керак, деб ўйлаймиз.

Маълумки, ҳар бир фан одатда умумий ва хусусий жиҳатларга эга бўлади. Чунончи, тилшунослик ҳам ўз навбатида умумий тилшунослик ва хусусий тилшуносликка бўлинади. Унинг бўлимлари ҳам худди шундай белги ташийди, яъни умумий ва хусусий лексикология, умумий ва хусусий морфология, умумий ва хусусий синтаксис ва б.

Лексикологиянинг бир кўриниши бўлган этимология ҳам шу маънода умумий ва хусусий этимологияга бўлинади.

Таъкидлаш лозимки, этимология ўз моҳиятига кўра тилшуносликнинг энг мураккаб ва шу билан бирга бошқа сатҳларга нисбатан кам ўрнатилган соҳасидир. Бу эса этимологияга дахлдор ҳар бир масаланинг ўта

долзарблигини кўрсатади. Шу билан бирга этимологик масалаларнинг кўп жиҳатлари ҳали атрофлича ўрганилмаганлиги тадқиқотларда бирмунча қийинчиликлар туғдириши табиийдир.

Масалан, этимологиянинг энг муҳим муаммоларидан бири сўзнинг этимони (дастлабки шакли)ни аниқлаш, унинг ҳозирги даврга қадар босиб ўтган йўлини (яъни фонетик ва грамматик ўзгаришларни) тиклаш тадқиқотчидан катта билим ва тажриба талаб қилади.

Чунончи, дунё тил оилалари орасида кўламига кўра энг катта, тарихий босқичлари жиҳатидан энг узоқ ва бой тарихга эга бўлган ҳинд-европа тиллари оиласи бошқа тил оилаларидан кескин фарқ қилади.

## **2. Этимология тилшуносликнинг бўлими сифатида.**

Лексикологиянинг бир бўлими сифатидаги этимология ҳозирги даврда ўз аҳамияти жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Мазкур тил оиласида герман тиллари гуруҳи ўзгача мақомга эга. Ушбу ўзгачалик герман тиллари шаклланиши ва тараққиётида фонетик, лексик ва грамматик мисоллар асосида намоён бўлади.

Герман тиллари орасида немис тили ўзининг мураккаб тарихи билан, айрим лисоний жараёнларнинг ҳозирда ҳам давом этаётганлиги билан, кўплаб диалектларга эга немис тили адабий тил билан диалектлар ўртасидаги кескин фарқлари билан бошқа герман тилларидан ажралиб туради. Бу ҳолат ҳар бир таҳлил қилинадиган масалада кўзга ташланади.

Масаланинг чигаллиги яна шундан иборатки, таҳлилга учраган масала муайян тил сатҳига қарашли бўлишига қарамасдан, у тилнинг бошқа сатҳлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шу боис масаланинг муваффақиятли ечими ўқувчидан унинг тилнинг бошқа сатҳларига доир билимларни эгаллашга даъват этишни тақозо этади.

## **3. Этимологиянинг тил сатҳлари билан муносабати.**

Этимологиянинг моҳиятини очиб беришда унинг тилнинг бошқа сатҳлари, қолаверса, тарих билан муносабатига эътибор қилишни тақозо қилади.

Немис тилида бирор сўзнинг этимонини аниқлаш немис тили босиб ўтган қадимги юқори немис тили, ўрта юқори немис тили ва ҳозирги юқори немис тили даврларига оид барча фонетик, лексик ва грамматик маълумотлардан хабардор бўлишни талаб қилади.

Шу билан бирга немис қабилаларининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳинд-европа бўлган ва ҳинд-европа бўлмаган қабилалар билан алоқалари натижасида немис тили луғат таркибига ўзлашган сўзларни аниқлаш ҳам муҳим масалалардан биридир. Зотан, этимологик жиҳатдан ҳинд-европа бўлмаган бундай сўзлар немис тили луғат таркибида салмоқли ўринга эга. Шунингдек, узоқ вақт Рим империяси таъсирида бўлган ғарбий германлар римликлар билан ҳўжалик, сиёсий ва маданий алоқаларда бўлишган. Бунинг натижасида янги предмет ва тушунчаларни ифодаладиган жуда кўплаб латин ўзлашмалари немис тили луғат таркибидан ўрин олган.

VIII асрдангина ёзма ёдгорликка эга бўлган қадимги юқори немис тили манбалари қабилалар тимсолларининг хилма-хиллиги билан фарқланиб туради. Ёзувда қатъий ягона имло анъанасининг йўқлиги ҳам масаланинг чигаллашувига олиб келади. Айни вақтда қабила тилларининг бир-бирига ўзаро таъсири ҳам кучли бўлган. Бунда айрим тилларнинг, жумладан, франк диалекти тили устуворлиги кузатилади [Жирмунский 1965: 386-394].

Шу билан бирга этимологиянинг асосий мақсад ва вазифаларини ёритиш кейинги бўлимларда ҳам давом эттирилади.

Шу маънода масаланинг асосига ўтишдан олдин, биз дастлаб немис тили ўз бошидан кечирган айрим асосий лисоний жараёнларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Бунда, биринчи навбатда, қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Зотан, мазкур тил қонуниятларини билмасдан туриб, этимологиядан бирор масалани ижобий ҳал қилиш амри маҳолдир.

Демак, этимология - сўз ва морфемаларнинг келиб чиқишини ўрганувчи тилшунослик бўлими. Унинг асосий вазифаси қадимги манбаларни ҳамда тил луғат таркибининг шаклланиш жараёнини ва унинг дастлабки, қадимий ҳолатини тиклашдан иборат [Ўзбекистон

энциклопедияси 2005: 281]. Бунда этимологиянинг шева ва диалектлар билан алоқаси муҳим ўрин тутди.

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

- 1.Этимология фани нимани ўрганади?
- 2.Этимологиянинг тил сатҳлари билан алоқасини тушунтириб беринг.
- 3.Этимологиянинг соҳалар терминологияси билан алоқаси нималарда ўз ифодасини т опади?
- 4.Этимологиянинг диалектология билан алоқасини изоҳлаб беринг.

## **Мавзу: Герман тилларининг фонетик қонуниятлари**

### **Режа:**

1. Фонетик қонуниятлар ҳақида.
2. Ундошларнинг иккинчи силжиши (ёки юқори немис тили ундошларининг силжиши).
3. Ундошларнинг биринчи (герман) силжиши.
4. Умлаут.
5. Аблаут.
6. Брехунг.
7. Ундошларнинг алмашиши.

### **Адабиётлар**

1. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П., Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию. Учебник.-М.:Высшая школа, 1980.-С.54-66, 249-250.
2. Жирмунский В.М. История немецкого языка. Изд-е 5-е.-М.: Высшая школа, 1965.-С.125-135, 156-180.
3. Москальская О.И. История немецкого языка (на немецком языке).Изд-е 2 е.-Л.:Просвещение, 1969.-С. 34-47.
4. Филичева Н.И. История немецкого языка.-М.: Изд-во Московского университета, 1959.-С.13-24.

**Таянч сўз ва иборалар:** ундошларнинг силжиши, умлаут, аблаут, брехунг, ундошларнинг алмашиши.

**1. Фонетик қонуниятлар.** Немис тили товушлар системасида бир неча фонетик қонуниятлар борки, уларни чуқур ўрганмай тури, бирор масалани ҳал қилиши мушкулдир. Зотан, улар бир-бири билан узвий боғлангандир. Булар қуйидагилардир.

**2. Ундошларнинг иккинчи силжиши (ёки юқори немис тили ундошларининг силжиши).** Ундошларнинг иккинчи силжиши юқори немис тили (ЮНТ)га хос хусусият бўлиб, у шу хусусияти билан бошқа герман тилларидан фарқ қилади. Бунда қуйидагилар фарқланади:

I. Герман тилларидаги жарангсиз t, p, k унлиларидан кейин юқори немис тилида спирантлар -zz, -ff, -hh (-ch) га ўтади:

1.1. Герм. t < юнт. zz(z): гот. itan, қст. etan, ингл. eat – кюнт. Ezzen “essen”.

1.2. Герман p > кюнт. ff(f): гот. slêpan, қст. slâpan, ингл. sleep – кюнт. slâfan “schlafen”.

1.3. Герман k > кюнт. hh(h): гот. brikan, қст. brekan, ингл. break- кюнт. brehhan “brechen”.

II. Герман тилларидаги жарангсиз t, p, k сўз бошида, ундошлардан кейин ёки ундошлар иккиланганда тегишли аффрикатларга ўтади.

2.1. Герм. t < кюнт. z(zz): гот. twai, қст. twê, ингл. two-кюнт. zwei “zwei”; гот. hairto, қст. herta-кюнт. herza “Herz”.

2.2. Герм. p > кюнт. pf (ph): ингл. pipe- кюнт. phîfa “Pfeife”.

2.3. Герм. k > кюнт. ch [kx]: кюнт., жнт. chorn “Korn”, chind “Kind”.

III. Жарангли d, b, g ундошлари тегишли жарангсиз t, p, k ундошларига ўтади.

3.1. Герм. d > кюнт. t: гот. dauhtar, қст. dohtar, ингл. daughter- кюнт. tohtar “Tochter”.

3.2. Герм. b > кюнт. p, герм. g > кюнт. k(c): кюнт., перан-фрк. beran “tragen”, жнт. kast- фрк. gast [Жирмунский 1965: 125-133].

**3. Ундошларнинг биринчи (герман) силжиши.**

1) Ҳиндевр. p, t, k > герм. f, þ, h.

Лот. pellis “чарм”, грек. pella “чарм”-гот. fill “чарм”, кюнт. fel “Fell”.

Лот. trêš, грек. treis “уч”-гот. þreis, кюнт. dri “drei”.

Грек. kuōn “ит”-гот. hunds; гот. sano- гот. hana, кюнт. hano “Hahn” (“хўроз”).

2) Ҳиндевр. \*bh, \*dh, \*gh > герм. b, d, g.

Санскр. bharami, лот. fero, грек. Phero “оламан”– гот. baira, кюнт. беру “олиб бораман”.

Санскр. dhāmi, грек. thēmi– кст. dōn, кюнт. tuon “tun”.

Лот. homo “одам”–гот.guma, кст. gumo, кюнт. gomo “одам”.

3) Хиндевр. b, d, g>герм. p, t, k.

Грек. baite “чўпон кийими”– гот. paida, кюнт. pfeit “кийим”.

Лот. duō, грек. dyō “икки”–гот. twai, кст. twê, кюнт.zwei “zwei”.

Лот. ager, грек. agros “дала”–гот. akrs, кст., кюнт. akker “Acker”[Жирмунский 1965: 133-135].

5. Немис тили фонетикаси ва морфологиясининг характерли хусуситларидан бири ҳозирги немис тилида ҳам маҳсулдор бўлган грамматик муносабатларни ва сўз ясалишини ифодалайдиган ўзакдаги унлиларнинг алмашиш ҳодисасининг кенг ривож топганидир. Булар ўзига хос ички флексияни ҳосил қиладиган умлаут, аблаут, брехунглардир.

1) **Аблаут** (Ablaut)- келиб чиқиши жихатидан ҳинд-европа тилларига хос ҳодиса; 2) умлаут (Umlaut)- ҳар бир герман тилига хос ҳодиса; 3) преломление (Brechung)-ғарбий ва шимолий герман тилларига хос ҳолат.

1. **Умлаут.** Қўшимчадаги унлининг таъсирида ўзакдаги унлининг ассимиляцияга учраши умлаут дейилади. Бу немис тилида i(j)- умлаут деб юритилади. Бунда қуйидаги унли алмашишлари мавжуд: а-е (ёки ä), о-ö, u-ü, â-ae, ô-oe, û-iu [y:], uo-üe, ou-öu, au-äu (eu) [əy], қиёсланг: Schlag-кўпл. Schläge, Korb-Körbe, wurde-würde, Gruß-Grüße, Stadt-Städte, Haut-Häute.

2. **Аблаут.** Аблаут умлаут ва преломлениедан фарқли ўларок унлиларнинг алмашиши кейин келган бўғиндаги унлига боғлиқ эмас. Немис тилида аблаут сўз ўзгаришида: binden-band-gebunden; сўз ясалишида учрайди: die Binde-das Band-der Bund..

3. **Брехунг.** Синиш (Преломление). Бу ерда ҳам ўзакдаги унлининг қўшимчадаги унлига мослашиши тушунилади. Ушбу мослашувда кюнт. е-і, о-и, іо-іи. Масалан: е-і: кюнт. геван-бирлик 1 ва 2 шахсда gibu, gibis, gibit; о-и: кўпл. Ўтган замон. wurfum-сифатдош II giworfan (кюнт. wurfen, würfe-

geworfan; кюнт. fliogan (ўюнт.fliegen); ҳозирги замон 1-3 шахс бирлик. fliugu, fliugis, fliugit

4. **Ундошларнинг алмашиши.** Вернер қонуни бўйича жарангсиз ва жарангли герман спирантларининг ундошларнинг биринчи силжиши қоидалари асосида грамматик алмашиш (grammatische Wechsel)и тушунилади: герм. **p**-**đ**, f-b, h-g, s-z; кюнт. d-t, f-b, h-g,s-r [Жирмунский 1965: 156-180].

5. **Ротацизм ҳодисаси.** Герман тилларида сўз охиридаги [-z] товушининг [-R] га ўтиши тилшуносликда ротацизм ҳодисаси дейилади. Масалан, қадимги скандинав тилида герман тилидаги -z > -R га ўтган. Қадимги рун тилида -R дан олдинги унли сақланган: \*dagaR “кун” (“день”), -gastiR “меҳмон” ва б.; қадимги шимолий т. қисқа унли редукцияга учраган, бироқ -R сақланиб қолган ва эски герман тилидаги -г билан мос тушган: қиёсл. қадимги исланд т. dagr “кун”, gestr “меҳмон”, sunr “ўғил”. Аксинча, ғарбий герман тилларида сўз охиридаги урғусиз унлидан кейин келган герман -z товуши тушиб қолган. Қиёсл. қадимги саксон т. dag, англ-саксон т. daeз, қадимги юқори немис тилида tag “кун” ва б.

Барча диалектларда сўз охиридаги -z(-s) урғули унлидан кейин сақланиб қолган. Қиёсл. гот .т. dius, қадимги исланд т. dýr, англ-саксон т. dīor, қадимги саксон т. dior, қадимги юқори немис т. tior “ҳайвон” (“зверь”).

Сўз охирида учрайдиган эски герман -г товуши барча жойда, шунингдек, урғусиз унлидан кейин ҳам сақланиб қолган. Қиёсл. кариндошликни ифодалайдиган отлар: гот т. fadar, қадимги исланд т. faðer, англ-саксон т. faeder, қадимги саксон т. fadar, қадимги юқори немис т. fatar “ота” [Жирмунский 1964: 65-66].

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Ундошларнинг иккинчи (юқори немис тили ундошларининг) силжиши қайси товушларга тегишли?

2. Ундошларнинг биринчи (герман) силжишини мисолларда изоҳлаб беринг.
3. Бошқа товуш ўзгаришларига нималар киради ?

## **Мавзу: Туркий тилларнинг умумий фонетик қонуниятлари**

### **Режа:**

1. Кириш
2. Туркий ва эрон тилларига хос фонетик қонуниятлар.
3. Туркий ва форс-тожик тилларига хос умумий фонетик қонуниятлар.
4. Умумтуркий фонетик ҳодисалар.

### **Адабиётлар**

1. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи.-Т., 1991.-152 бет.
2. Мельников Г.П. Монгольский вокализм как система и алтайская гипотеза // Проблеме общности алтайских языков.-Л.: Наука, 1971.-С.297-307.
3. Хыдыров М.Н. Некоторые заметки к алтайским лексическим параллелям // Проблеме общности алтайских языков.-Л.: Наука, 1971.-С.202-203.
4. Цинциус В.И. Алтайские термины родства и проблема их этимологии // Проблеме общности алтайских языков.-Л.: Наука, 1971.-С.127-138.
5. Щербак А.М. О характере лексических взаимосвязей тюркских, монгольских и тунгусо-маньчжурских языков // ВЯ, 1966, № 3.

**Таянч сўз ва иборалар:** фонетик қонуниятлар, тилларни қиёсий ўрганиш, умумтуркий фонетик ҳодисалар, туркий ва эрон тилларига хос фонетик ҳодисалар, умумолтой товушлар системаси.

**1. Кириш.** Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили, ўз тараққиёти давомида бир қанча тиллар билан, чунончи, форс-тожик тили билан мустаҳкам алоқада бўлган. Бу алоқа тилнинг деярли барча сатҳларида ўз ифодасини топган.

**2. Туркий ва форс-тожик тилларига хос фонетик қонуниятлар.** Умумтуркий фонетик ҳодисалар.

- 1) **М > Н, Н > М**
- 2) **ч > ш, ш – с – ч →**хам туркий, ҳам эроний тилларга хос.
- 3) **г > к, к > г к – г** (метатеза ҳодисаси).
- 4) **ў > у, у > ў**
- 5) **д > т, т > д**
- 6) **б > в, в > б**
- 7) **қ > ғ, ғ > қ**
- 8) **ан > он, он > ан**
- 9) Туркий тилларда икки унли ёнма – ён келмайди.
- 10) Туркий тиллар тарихида “з” лашиш “й” лашиш даврлари бўлган: **қўзи – қўй**.
- 11) **а – о > ў** фонетик ҳодиса эроний тилларга хос.
- 12) **х > қ**.
- 13) **н – м, г > б, а > у** фонетик ҳодисалар эроний тилларга хос.
- 14) **с – ш, з – с** (метатеза ҳодисаси), **з > с, с > з**.
- 15) **з – ч – ш – ж**.
- 16) **й – з – ж** умумтуркий фонетик қонуният.
- 17) **ғ – з – й** умумтуркий фонетик қонуният.
- 18) **ғ > в (тағ – тав)**.
- 19) сўз охирида: **у > и**.
- 20) **ў > а (пўста > писта)**.
- 21) **ч > с, ч > т, а > і** умумтуркий ҳодиса.
- 22) **п > б, п – б, т > д, д > т, т – д, п > ф** каби форс – тожик ва ўзбек тилларига хос умумий фонетик ҳодисалардир.
- 23) Туркий тилларда **д** нинг **й** лашиш фонетик ҳодиса бор.
- 24) **д – р** (метатеза ҳодисаси).
- 25) **о > у** умумтуркий фонетик ҳодиса.
- 26) Бош морфема (ўзак) охиридаги **Н** сонор ундош товушининг **м, л** га ўтиши умумтуркий фонетик қонуният.
- 27) **л – п** метатеза ҳодисаси.

28) **м > б; б > в; а > о** фонетик конунлар.

29) **ф < пб** [Бафоев 1991].

Куйида туркий тилларга хам хос конуниятлар хакида бир неча мутахассисларнинг фикрларини келтирамыз.

1. Сравнительное (или, точнее, сравнительно-историческое) изучение лексики алтайских языков неизбежно приводит к проблемам этимологии, так как объект исследования обоих лингвистических циклов общий-история слов [Цинциус 1971: 83].

2. Замена звуков [р] и [з] в отдельных словах – обычное явление в тюркских языках. Например: башк. «кызара, кызару», тув. «кызар», тат. «кызару», кирг. «кызаруу», як. «кытар», которые соответствуют туркм. «гызармак» «румяниться, краснеть» [Хыдыров 1971: 203].

3. Долгие гласные «тяготеют» к тем корням, в которых чувашскому [р] и [л] в других тюркских языках соответствует [з] и [ш] [Щербак 1966: 156].

4. Переход [р-з] и [л-ш] получает дополнительную поддержку в случае смягчения исходных согласных. Поэтому, как рефлекс былого [й] в корне, остается и долгота гласного, и переход [р-з] или [л-ш]. Следовательно, общеалтайская система из пяти или шести гласных (а, е, и, о, у и может быть, ä) и в крайнем случае из семи (дополнительно γ) должна рассматриваться как наиболее вероятная. Из нее развивалась и монгольская, и тюркская, и тунгусо-манчжурская система вокализма [Мельников 1971:307].

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Умумтуркий товушлар системаси қайси товушларга тааллуқли?
2. Туркий ва эрон тилларига хос фонетик ҳодисани айтиб беринг.

## **Мавзу: Грамматик ва лексик шаклларнинг этимологияси**

### **Режа:**

1. Туркий тилларда ўтган замон -ди (ды) шаклининг келиб чиқиши.
2. А. Н. Кононов фикри.
3. С. Е. Малов талқини.
4. Н. А. Баскаков изоҳи.
5. М. Кошғарий талқини.
6. О. П. Суник қарашлари.
7. Қўнт лексикаси ва сўз ясаши.

### **Адабиётлар**

1. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П. Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию. Учебник.-М.: Высшая школа, 1980.-С.255-256.
2. Бишнев А.Г. Еще раз об этнониме башкорт // Проблема общности алтайских языков.Отв. ред. О.П.Суник.-Л.: Наука, 1971.-С.383-385.

**Таянч сўз ва иборалар.** Туркий тиллар, эгалик маъноси, аффикс, ўтган замон шакли, сифатдош шакли; қўнт, уюнт, яюнт, лексика, сўз ясаши.

Бу ерда туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилидаги ўтган замон шакли ва немис тили лексикаси билан чекланамиз.

**1. Туркий тилларда ўтган замон –ди (-ды) шаклининг келиб чиқиши.** Н. К. Дмитриевнинг фикрича, гапда эгалик (қарашлилик) маъносидаги “бар- ва йок” шакли от (алытым бар, алытым йок) тушиб қолиб, кейинчалик “альдым” шакли ҳосил бўлган. А. Н. Кононов эса, -ди (-ды) аффиксини қадимий эгалик 3-шахс –сы аффикси билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. С. Е. Малов –ди (ды) шаклини қадимий туркий ёзма ёдгорликларда учрайдиган –ты равишдоши билан қиёслайди. Н. А. Баскаков

–ди (ды) шаклини ҳозирда турк ва туркман тилларида сақланиб қолган –дығ сифатдоши билан боғлайди.

Бу ерда –ды ва дығ аффиксларини бир-бири билан генетик жиҳатдан боғлаш эътиборли бўлса-да, бироқ ушбу боғланиш –дығ шаклини дастлабки шакл, деб ҳисоблашга асос бўлолмайди. Аксинча, бу ҳолатда –ды илк шакл сифатида қаралиб, -ғ аффикси қўшилиб, дығ шакли ясалган.

Маҳмуд Кошғарийнинг талқинича, ўғуз ва қипчоқларнинг айримлари –ды аффиксининг ўрнида барча шахсларда –дук // -дук аффиксини қўллайди.

Мазкур фикрларнинг барчаси –ды аффикси сифатдошнинг қадимий шакли эканлигини тасдиқлайди.

Эвенк тилидаги –чā аффикси ўтган замон сифатдош шаклини ясайди. Демак, туркий –ды аффикси эвенк тилидаги –чā билан умумий хусусиятга эга бўлиб, О.П.Суник томонидан тикланган \*-тай илк шаклига бориб тақалади [Биишев 1971: 383-385].

Хуллас, ҳар қандай сўзнинг мутлақ ва узил кесил этимологиясини принципиал жиҳатдан аниқлашнинг имконияти йўқ. Шу боис бир сўзнинг этимологиясини аниқлаш йўлидаги бир қатор ҳаракатларнинг бўлиши табиийдир.

**2. Немис тили лексикаси ва сўз ясалиши.** Маълумки, немис тили уч даврга бўлиниб ўрганилади: қадимги юқори немис тили (Althochdeutsch - ahd-қюнт), ўрта юқори немис тили (Mittelhochdeutsch-mhd-ўюнт), янги юқори немис тили (Neuhochdeutsch-nhd-яюнт).

Лексика ва сўз ясалишига доир маълумотларни қюнт даврини кейинги даврлар билан солиштирган ҳолда келтирамиз. Бу тегишли сўз ва унинг шаклини даврма-давр тиклашда қўл келади.

Қюнт даврининг кўпгина сўзлари маъноларини ўзгартирмаган ҳолда ҳозирги даврга етиб келган. Булар бевосита инсонга, унинг ҳаётий фаолиятига, ақлий фаолияти ва ҳис-туйғуларига, уни ўраб турган табиатга, ранг-тус, физик хусусиятлар ва бошқаларга доир сўзлардир. Масалан, лексикага оид сўзлар:

fatar „ота“, bruodar „ака ёки ука“, muotar „она“, ōra „кулок“, fingar „бармоқ“, fuoʒ „оёқ“, eʒʒan „овқатланмоқ, емоқ“, trinkan „ичмоқ“, gangan „бормоқ“, standan „турмоқ“, sehan „қарамоқ“, „кўрмоқ“, bringan „олиб бормоқ (келмоқ)“, denken „ўйламоқ“, himil „осмон“, erda „ер“, boum „дарахт“, tior „хайвон“, pferit „от“, fisc „балиқ“, hūs „уй“, fenstar „депаза“, tisc „стол“, brot „нон“, hemidi „кўйлак“, fridu „тинчлик“, lang „узун“, tiof „чуқур“, brūn „малларанг“, wīʒ „оқ“, alt „қари, кекса“, scōnī „чиройли“, guot „яхши“, frī „озод“.

Қюнт даври от ясовчи суффикслари: -heit, scaf(t), -tuom; сифат ясовчи суффикслар: -līh, -sam, -bāri, -haft.

От: heit „сифат“ → gotheit „худо“, frīheit „озодлик“ (Freiheit); scaf „шакл“, „хусусият“ →, bruoderscaf „биродарлик“ (Bruderschaft), frīuntscaf „дўстлик“ (Freundschaft); wīstuom „донолик“, rīhtuom „бойлик“ (Reichtum).

Сифат: gotlih „худо“ („божественный“), sigihaft „ғолиб“.

Немис тили лексикасини лотин тили билан қиёслаганда қуйидаги манзара кўзга ташланади.

| ЛОТ.      | ҚЮНТ    | ЯЮНТ      |                                          |
|-----------|---------|-----------|------------------------------------------|
| claustrum | klōstar | Kloster   | “монастирь”                              |
| monachus  | munih   | Mönch     | “монах”                                  |
| sobris    | sūbar   | sauber    | “тоза”                                   |
| scriber   | scrīban | schreiben | “ёзмоқ” [Арсеньева и др. 1980: 255-256]. |

### Мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Туркий тилларда ўтган замоннинг -ди (ды) шаклининг келиб чиқишини тушунтириб беринг.
2. Мутахассисларнинг ушбу масала бўйича қарашларига нима дея оласиз?
3. Қадимги юқори немис тили даврига доир сўзларни келтиринг.

## **Мавзу: Этимологияда этник омиллар. Этноойконимлар**

### **Режа:**

1. Кириш.
2. Этногенез. Deutsch. Бошқирд, Авшар, Баллас этноойконимлари.
3. Баҳрин, Бешбармоқ, Болтовул, Бўрак, Бўрилиқ этноойконимлари
4. Бўтқачи, Войрат, Довул, Еттиуруғ, Ёв этноойконимлари.

### **Адабиётлар**

1. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи.-Т.: Низомий номидаги ТДПИ, 1985.-84 б.
2. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Т.:Фан,1989.-100 б.
3. Охунов Н. Жой номлари таъбири.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-86 б.
4. Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари.-С.: СамДЧТИ нашри, 2008.-104 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 60000 сўз ва бирикма.
3. М. Маъруфов таҳрири остида.-М.: Рус тили, 1981. Биринчи том: А-Р.-631 б.; Иккинчи том: С-Ҳ.-715 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.-606 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Биринчи жилд: А-Д, 2006.- 679 б.; Иккинчи жилд: Е-М, 2006.- 671 б.; Учинчи жилд: Н-Т, 2007.- 687 б.; Тўртинчи жилд: Т-Ш, 2008.-606 б.; Бешинчи жилд: Ш-Ҳ, 2008.- 591 б.

**Таянч сўз ва иборалар:** этногенез, немис халқи, немис тили, этник гуруҳ, этноним, уруғ, қабила, ўзбек халқи, қавм, элат, эл, халқ, миллат, этноойконим.

**1. Этногенез.** Муайян халқнинг келиб чиқиши, насл-насаби, пайдо бўлиши [Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2008: 61].

**2. Deutsch.** Deutsch сўзи diutisc сифати “халқ” (“народный”) (кадимги юқори немис тили (ahd) diot “халқ”, гот. þiuda)дан келиб чиққан. Илк бор у theodisca lingua сифатидаги лотинча кўринишида барча герман қабилалари: франклар, англсакслар, готлар ва бошқаларига нисбатан ишлатилган. Die diutisca zunge халқ маъносида эмас, балки тил маъносида дастлаб у Ноткерда (1000 йилда), халқ маъносида эса diutisch “deutsch” фақат XI асрнинг охирида Кёльн шеърий хроникаси “Анно ҳақида кўшиқ” (Annolied) да учрайди.

Deutsch сўзининг немис халқи ва унинг тилининг номи сифатида мустақамланиши собиқ Шарқий франк давлатининг сиёсий ҳудудларида немис халқининг шаклланиши ва бирлашиши (консолидация) нинг тугалланган жараёни ҳақида гувоҳлик беради [Жирмунский 1965: 50-51].

**3. Бошқирд.** “Бошқирд” этноними хусусида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

“Бошқирд” этноними уч таркибий қисмга бўлинади: бош (баш)-, қир (-кўр-) ва –д(-т). Бу ерда “бош (-баш-) семантик жиҳатдан фақат “бош” (“бош”, “голова”, “головный”) сўзи билан қиёсланиши мумкин. Лекин адабиётларда “бош-” (“баш-”) унсури “беш” (“пять”)га тақайдиган фикрлар ҳам бор. Бундан ташқари, “бош-” (“баш-”) унсури “боз”> буз (“бўз”-“серый”, “хом”) сўзидан келиб чиққан деган фикр ҳам мавжуд. Этнонимдаги –т унсури эса мазкур сўзнинг кўплигини англатади. Айримлар этнонимдаги –қир- (-кўр-) унсури “доира” (“круг”), сўнгра “доира бўйлаб ўтирганлар” маъноси билан боғлайди. Кўр (кур) бошқирдларнинг XIV-XV асрларгача давом этиб келган кўчманчи уруғларининг бирлашмаси (“община”) шаклини билдиради.

Шунингдек, бошқирдларнинг бир неча уруғлари ушбу уруғлараро иттифокка “баш кӧр” (“главный кур”) атрофида бирлашган. Ушбу бош кӧругга бирлашган қабилалар “бошқирд” (“башкӧрт”) деган умумий номни олишган [Биишев 1971: 221-222].

Бошқа бир маънода “бошқирд” этноними келиб чиқиши жиҳатдан қипчоқ қабиласи тилига бориб тақалиб, “Буз // Боз + Курт” (Серый Волк) (“Кулранг Бӧри”) деган маънони беради дейилган [Гарипов, Кузеев 1971: 220].

Кӧринадики, этнонимика археология, тарих, этнография ва тилшунослик муаммоларини ҳал қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**4. Авшар.** Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Боғот туманларидаги қишлоқлар номи. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида бу сӧз афшар шаклида учрайди ва у ўғуз қабилаларидан бирининг номи сифатида тилга олиб ўтилади. Хоразм топонимларини тадқиқ этган Зариф Дӧсимовнинг ёзишича, афшарлар ўғуз кӧчманчи қабилалари таркибига кириб, IX-XI асрларда Оролбӧйи ва Каспий бӧйларида ҳаёт кечирган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, афшарлар Сирдарёнинг қуйи оқимида ўтrockлашган бўлиб, қишлоқларда, кӧрғонларда яшаганлар. Уларнинг Хоразм территориясига келиши ҳам ўша даврлар билан алоқадор [Дӧсимов 1985: 82]. Демак, Авшар номи қишлоқлар афшар этноними асосида вужудга келган [Охунов 1994: 5].

**5. Баллас.** Андижон вилояти Хӧжаобод туманидаги қишлоқ. Барлос деган уруғ номи билан аталган. Топоним таркибида товуш ўзгариши рӧй берган. Иккинчи бӧғин бошидаги л товуши биринчи бӧғин охиридаги р товушига таъсир этиб, уни ўзига айнан ўхшатиб олган, яъни **рл** >> **лл** тарзида ўзгарган: **о** товуши эса **а** товушига ўтган: Барлос>Баллос>Баллас [Охунов 1994: 8].

**6. Баҳрин.** Турклашган мӧғул қабилаларидан бирининг номи. Мӧғуллур ҳукмронлиги даврида баҳринлар Дашти Қипчоққа келиб

ўрнашган. XVIII-XIX асрларда баҳринларнинг катта бир қисми Тошкент воҳаси, Фарғона водийсида яшаган (буларнинг кўпчилиги ўтроқлашиб, қабила ва уруғларини унутиб юборишган), бир қисми эса Зарафшон воҳасига кўчиб борган. 1924 йилги маълумотга биноан, Ўзбекистонда тўққиз мингга яқин баҳрин яшаган [Ўзбек совет энциклопедияси, 2-том, 114; Қораев 1978: 35].

Ҳозирда баҳринлар истиқомат қилган ўрин жойларнинг кўпчилиги уларнинг номлари билан юритилиб кетган. Жумладан, Фарғона вилоятининг Учкўприк, Андижон вилоятининг Асака, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи, Ургут, Қашқадарё вилоятининг Камаши туманларида Баҳрин номли қишлоқлар мавжуддир. Марғилон шаҳридаги маҳаллалардан бири ҳам Баҳрин деб аталади [Охунов 1994: 8].

**7. Бешбармоқ.** Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги қишлоқ. Зарафшон воҳасида истиқомат қилган қипчоқларнинг кичик бир тармоғи бешбармоқ деб аталган [Шаниёзов 1974:124]. Қишлоқ шу уруғ номи билан юритилган [Охунов 1994: 9].

**8. Болтовул.** Фарғона вилояти Фурқат туманидаги қишлоқ номи. Болта ва овул сўзларининг бирикувидан ясалган. Тамғаси болта шаклидаги уруғ болта ёки болтали деб аталган. Бу уруғ қипчоқ қабиласининг бир гуруҳи бўлмиш сариқипчоқларнинг таркибига кирган [Шониёзов 1974:131]. Болтаовул – “болта уруғи вакиллари яшайдиган овул” демакдир. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги **Болта**, Паст Дарғом туманидаги **Болтали**, Пахтачи туманидаги **Дўнгболтали**, **Пастболтали** топонимлари ҳам қайд этилган этноним билан боғлиқдир. Дўнгболтали – баландлик, тепаликка, Пастболтали – қуйи томонга, пастликка жойлашган Болтали қишлоғи маъносини ифода қилади [Охунов 1994: 10-11].

**9. Буйрак.** Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги қишлоқ. Буйрак – уруғ номи, инсон узвларидан бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ал- асрор” (XVIII аср) асарида кўчманчи ўзбек кўшинлари таркиби арғин, ўғуз, найман, уйрот, қарлуқ, кушчи, уйшун, минг, қўнғирот,

керайит, барлос уруғ-қабилалари билан бир қаторда буйрак қабиласидан ҳам ташкил топганлигини қайд этиб ўтади [қаранг: Аҳмедов 1965: 163]. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган “Тарих-и Абулфайзхони”, “Насабнома-и ўзбек” қўлёзма асарларида буйрак уруғи бўлганлиги кўрсатилади [қаранг: Аҳмедов 1985: 95, 130]. 1963 йили Ғаллаоролда “Қитмир” китобининг “Тўқсон икки бов ўзбек уруғининг баёни” деб сарлавҳа қўйилган бўлимида ҳам буйрак уруғи тилга олинади [Дониёров 1968: 74]. Бу этник ном юқори Қашқадарё ўзбек уруғлари таркибида ҳам учрайди [Кубаков 1972: 19]. Англашиладики, Буйрак қишлоғи шу номдаги этноним билан аталгандир [Охунов 1994: 12].

**10. Бўрилик.** Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги қишлоқ. Бўри сўзига -лик қўшимчасини қўшиш орқали ясалган. Этнографик адабиётларда қайд этилишича, ўзбек ва қирғизларнинг кичик бир уруғи бўри деб аталган. Бўрилик қишлоғи мазкур уруғга мансуб кишилар ўрнашганлиги сабабли кейинчалик номланиб кетганлиги эҳтимоли бор [Охунов 1994: 13].

**11. Бўтқачи.** Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги қишлоқ. Бўтқачи – қирғизларнинг ичкилик бўлими таркибига кирувчи найман қабиласининг бир тармоғи [Сидиков 1927: 26]. Уруғ номи асосида қишлоқ номи вужудга келган [Охунов 1994: 13].

**12. Войрат.** Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги қишлоқ. Тураржой қадимги туркий қабилалардан бири – уйрат (ойрат) номи билан аталган бўлса керак. Бу ерда сўз бошида **в** товуши орттирилган: Ойрат>Войрат. Фарғона вилоятининг Риштон, Қашқадарё вилоятининг Касби туманларида ҳам Уйрат номли қишлоқлар бор [Охунов 1994: 14].

**13. Довул. Наманган** вилояти Поп туманидаги қишлоқ. Мазкур атаманинг “кучли бўрон” маъносини ифодаловчи довул сўзига боғлиқлиги йўқ. Ном дастлаб Товул тарзида бўлган: кейинчалик сўз бошида **Т** жарангсиз товушининг жаранглилашиб **Д** товушига ўтиши натижасида Довул шаклига келиб қолган. Товул аслида Фарғона водийсидаги қипчоқ уруғларидан бирининг номидир. Қишлоқнинг аталишига мана шу этник гуруҳ номи асос

бўлган. Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида Товул, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида эса Товулди номи билан аталувчи қишлоқлар бор [Охунов 1994: 17-18].

**14. Еттиуруғ.** Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги қишлоқнинг номи. Еттиуруғ – ўзбек-қипчоқлар таркибидаги йирик уруғлар гуруҳи. Улар асосан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида, қисман Тошкент воҳасида яшаганлар. Еттиуруғ козоқ ва қирғизларнинг этник таркибида ҳам бор. Еттиуруғ ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли уруғларидан, яъни, еттита уруғдан иборат бўлган. Еттиуруғ таркибидаги бу уруғ номлари ўзбекларнинг бошқа йирик қабилалари таркибида ҳам учрайди [ЎзСЭ, 4-том: 223]. Еттиуруғ топоними ана шу этник ном асосида юзага келган. Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманида ҳам Жетиурув қишлоғи бор [Охунов 1994: 19].

**15. Ёв.** Ўзбек уруғларидан бири. Фарғона водийсида, хусусан Қўқон гуруҳи туманлари ҳудудида жой номлари шаклида учрайди. Учқўприк туманидаги Ёв қишлоғининг номи шу этноним билан боғлиқдир. Ёв топонимидан ташқари Бувайда туманида Жов деган қишлоқ ҳам бор. Жов айнан ёв сўзининг товуш ўзгаришига учраган шаклидир: Ёв > Жов [Охунов 1994: 19].

### **Луғатларда этник гуруҳлар номларининг берилиши**

Инсоният тараққиётида тарихий-ижтимоий реалиялар муҳим ўрин тутди. Шулардан тарихда мавжуд бўлган этник гуруҳлар-уруғ ва қабилалар ҳар бир элатнинг элат, халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида ва тараққий этиб боришида алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, муайян этник гуруҳнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий салоҳияти даражасининг паст ёки юқори бўлиши ушбу этноснинг муайян ижтимоий ҳамжамиятдаги ўрнини белгилайди. Шу боис этнослар тарихини ўрганиш ҳозиргача ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Маълумки, мазкур масала махсус тадқиқотларда, бир қатор ўқув адабиётларида маълум даражада ўз ифодасини топган. Чунончи, этник гуруҳларнинг бир қисми икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [1] ва беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [2] да ҳам берилган.

Энди бевосита ушбу луғатларда этник гуруҳларнинг берилишига ўтамыз. Одатда адабиётларда ўзбек халқи 92 қавмдан ташкил топган деб фикр билдирилади. Дастлаб этнос номлари ва уларнинг изоҳи ҳақида икки жилдли луғатда берилган маълумотларга тўхталамиз.

**I. Икки жилдли луғатнинг биринчи жилдида ўзбек этник гуруҳлари ва уларнинг изоҳи қуйидагича ўз ифодасини топган:**

- 1.1. Барлос.** Темур ва темурийлар даврида катта роль ўйнаган ўзбек қабилаларидан бирининг номи ва шу қабиллага мансуб киши (82-бет).
- 1.2. Жалойирлар.** Ўзбек халқининг генетик таркибига кирган қабилалардан бири (271-бет).
- 1.3. Манғит.** Ўзбек қабилаларидан бирининг номи. Шу қабиллага мансуб киши (446-бет).
- 1.4. Найман.** Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг номи (494-бет).

## **2. Луғатнинг иккинчи жилдида бу борадаги маълумотлар:**

- 2.1. Қўнғирот.** Ўғиз уруғларидан бирининг номи ва шу уруққа мансуб бўлган кишилар (638-бет).

Кўринадики, 1346 саҳифали 60 мингдан зиёд сўз ва бирикмадан иборат мазкур икки жилдли луғатда ўзбекларнинг жами 92 қавмидан бор-йўғи бештасининг номи ва уларнинг изоҳи берилган. Холбуки луғатда “**минг, сарой, чиноқ, юз, қатағон, қирқ**” каби сўзларнинг кўпгина маънолари келтирилган ҳолда, уларнинг этник гуруҳлари номларини билдириши эса изоҳсиз қолдирилган.

**II.Энди ушбу луғатнинг беш жилдли нашрига ўтамиз. Луғат 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасига эга.**

**1. Луғатнинг биринчи жилдида этнослар номларининг қуйидагилари учради.**

- 1.1. Барлос.** 1) Темурийлар ва бобурийлар даврида асосан Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида, қисман Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаган, аксарият чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўзбек қабилаларидан бири. 2)Барлос қабиласига мансуб шахс (169-бет).
- 1.2. Баҳрин (мўғ. баарин).** Туркийлашган мўғул қабилаларидан бирининг номи (198-бет).
- 1.3. Билкут.** Қадимий туркий қабилалардан бирининг номи (262-бет).
- 1.4. Боёвут.** Қадимий ўзбек қabila, уруғларидан бири (296-бет).
- 1.5. Болғали.** Ўзбек уруғларидан бири (311-бет).
- 1.6. Буркут(лар).** Мўғулларнинг туркийлашган уруғларидан бири (385-бет).
- 1.7. Дарғали.** Ўзбек миллати таркибига кирган туркий уруғлардан бири (570-бет).
- 1.8. Дўрмон.** Ўзбекистон ва Тожикистонда, шунингдек, Афғонистон шимолида истиқомат қилувчи ўзбек қабилаларидан бири (677-бет).
- 1.9. Дўғлат.** Ўзбек халқи таркибига кирган қадимий туркий қабилалардан бири (679-бет).

**2. Иккинчи жилдда қуйидаги манзарага дуч келдик.**

- 2.1. Ёбу.** Ўзбек уруғларидан бирининг номи (22-бет).
- 2.2. Ёвмут.** Туркий ва туркман уруғларидан бирининг номи (24-бет).
- 2.3. Жалойирлар.** Ўзбек халқининг генетик таркибига кирган қабилалардан бири (67-бет).
- 2.4. Лақай.** Ўзбек уруғларидан бирининг номи (асосан, Тожикистон Республикаси ҳудудида, Афғонистон, Эрон ва бошқа жойларда яшайдилар); шу уруққа мансуб киши.

**2.5. Манғит.** Йирик ўзбек қабилаларидан бирининг номи; шу қабиллага мансуб киши (541-бет).

**3. Луғатнинг учинчи жилдида қуйидаги этник гуруҳлар номлари ва уларнинг изоҳи келтирилган.**

**3.1. Найман.** Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг номи (13-бет).

**3.2. Ойтамғали.** Ўзбек халқининг дўрмон, қипчоқ, қўнғирот каби йирик қабилалари таркибига кирган уруғлардан бири (асосан Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида учрайди) (102-бет).

**3.3. Олтинтамға.** Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг номи (119-бет).

**3.4. Олчин.** Ўзбек халқининг этник таркибига кирган уруғлардан бирининг номи (120-бет).

**3.5. Паритўп.** Ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бирининг номи (223-бет).

**3.6. Сарик.** Ўрта Осиёдаги туркий халқлар таркибига кирган қабилла номи (450-бет).

**3.7. Сарой.** Ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси (452-ет).

**4. Янги нашрдаги луғатнинг 4-жилдида этник гуруҳлар номларига қуйидагича изоҳ берилган.**

**4.1. Чигиллар.** Ўзбек халқининг этник таркибига кирган туркий қабилалар иттифоқи (479-бет).

**4.2. Чиғатой.** Ўзбек уруғларидан бирининг номи (501-бет).

**5. Бешинчи жилдда тубандаги этник гуруҳлари номлари ва уларнинг изоҳи келтирилган.**

**5.1. Яғмо.** Шаҳар, мамлакат, қабилла номи (131-бет).

**5.2. Ўғуз.** Ўзбек халқининг генетик таркибига кирган қабилалардан бирининг номи; шу қабилла аҳолисига мансуб (195-бет).

- 5.3. Қавчин.** Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири (201-бет).
- 5.4. Қарлуқлар.** Ўзбек халқи таркибига кирган, тарихан уч қабиладан ташкил топган этник уюшма (250-бет).
- 5.5. Қиёт.** Ўғузлар таркибига кирган қадимий қабилалардан бирининг номи (275-бет).
- 5.6. Қипчоқлар.** Ўзбек халқи этник таркибидаги асосий уруғ-қабилалардан бири (297-бет).
- 5.7. Қирқ.** Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири (302-бет).
- 5.8. Қурама.** Ўзбек халқи таркибига кирган этник гуруҳлардан бири: Ўзбекистоннинг Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида яшовчи ўзбек элати; шу элатга мансуб шахс ёки нарса (379-бет).
- 5.9. Қўнғирот.** Ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири, шу қабиллага мансуб кишилар (410-бет).

Кўринадик, луғатнинг ҳар икки нашрида ҳам этник гуруҳларнинг номлари тўлиқ берилмаган. Мазкур луғатнинг икки жилдлигида бор-йўғи бешта этник гуруҳ номи қайд қилинган бўлса, беш жилдлигида эса 92 қавмдан фақат 32 тасининг номигина келтирилган.

Дарвоқе, луғатнинг ҳар иккала нашрида ҳам ўз ифодасини топган “минг”, “чиноқ”, “юз”, “қатағон”, “туёқли”, “қайирма” каби сўзларга келтирилган мақолаларда ушбу сўзларнинг бир неча маънолари, ҳатто уларнинг шева кўринишлари (масалан: замбар (замбил), кади (қовоқ) берилган ҳолда, уланинг этник гуруҳ маъносини ҳам англатиши умуман унутилган.

Бизнингча, маданий ҳаётимизда катта воқеага сабаб бўлган ушбу луғат, айниқса унинг беш жилдлиги барча этник гуруҳларнинг номлари ва уларнинг изоҳларини бериши керак эди. Зотан, она тилимиз кўркини намоёниш этишга бағишланган мазкур луғат буни, албатта, ўзида мужассам этган бўлиши лозим эди. Бунинг эътиборли томони яна шундаки, демократик жамият қураётган халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзларининг кимнинг авлоди

эканликларини билиши шарт бўлган тамойиллардандир. Ўз ўтмишини, яъни миллатимизнинг келиб чиқиши, насл-насаби, пайдо бўлиши, бир сўз билан айтганда, унинг этногенезини билиш ҳар биримизнинг фуқаролик шарафли бурчимиздир.

Таъкидлаш лозимки, ёшларда ушбу туйғуларни шакллантиришда тил ва тарих, хусуан, этнография фанларидан ўтиладиган машғулотлар муҳим ўрин тутди. Шу боис ўқув жараёнида масаланинг шу жиҳатига ўта жиддий муносабатда бўлишлик талаб этилади. Зеро, тарихий хотирасиз — келажак йўқ.

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Этногенез нимани англатади?
2. Deutsch номининг келиб чиқишини изоҳланг.
3. Этноним нима дегани?
4. Изоҳли луғатдан олинган этнонимларга ўз муносабатингизни билдиринг.

## **Мавзу: Этник омиллар. Этноойконимлар**

### **Режа:**

1. Ёвкесак, Ёртибош, Жалойир, Жургун, Каловот этноойконимлари.
2. Игдирқалъа, Каттаяйдоқ, Кенагас, Кўсаҳо, Манғит этноойконим-лари.
3. Минглар, Миришкор, Мўғулкент, Найман, Наймас этноойконим-лари.

### **Адабиётлар**

1. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи.-Т.: Низомий номидаги ТДПИ, 1985.-84 б.
2. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Т.:Фан,1989.-100 б.
3. Охунов Н. Жой номлари таъбири.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-86 б.
4. Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари.-С.: СамДЧТИ нашри, 2008.-104 б.
5. Гарипов Т.М., Кузеев П.Р. Башкирские родо-племенные названия и их алтайские параллели // Проблема общности алтайских языков.Отв. ред. О.П.Суник.-Л.: Наука, 1971.-С.214-220.

**Таянч сўз ва иборалар:** этимон, уруғ, қабила, тармоқ, шоҳобча, этноойконим.

**1. Ёвкесак.** Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги қишлоқ. Қирғизларнинг ичкилик бўлими таркибига кирган 10 та қабиладан бирининг номи – жоокесак [Народы средней Азии и Казахстана 1963: 175]. Жоокесак қабиласининг вакиллари Наманган ва Фарғона вилоятларининг айрим туманларида Думор, Оқтовлик, Чапқўл, Олтиариқ туманининг Янгиариқ; Фарғона туманининг Шўра, Чекшўра, Оқариқ, Холмиёна, Қўрғонча, Хонқиз, Риштон туманининг Каловат, Ёйилма; Қува туманининг Тельман; Охунбобоев туманининг Дўрмон; Тошлоқ туманининг Белқишлоқ, Бўтқачи, Ромадан; Қувасой шаҳри атрофидаги Бўстон, Қорамқўл қишлоқларида истиқомат қилганлар [Винников 1956:165]. Юқорида қайд этилган

Қўрғонтепа туманидаги Ёвкесак қишлоғида ҳам жоокесак қабиласига мансуб кишилар ҳаёт кечирган. Шунинг учун қишлоқ аҳолининг этник белгисига нисбатан ёвкесак деб ном олган.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, этнографик адабиётларда қирғизлар таркибида кесак, Зарафшон водийси қипчоқлари таркибида қоракесак деган уруғлар бўлганлиги қайд қилиб ўтилган. Бинобарин, **Кесакқишлоқ** (Андижон вилоятининг Жалақудук тумани), **Кессаклар** (Фарғона вилоятининг Қува тумани), **Кесакмахалла** (Наманган вилоятининг Норин тумани), Қоракесак (Самарқанд вилоятининг Пойарик тумани) топонимлари уруғ асосида юзага келгандир [Охунов 1994: 19-20].

**2. Ёртибош.** Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги қишлоқ. Ёртибош (жартибош) – уруғ номи: қирғиз қипчоқлари таркибида шундай уруғ бўлган. Қирғиз – қипчоқлар Фарғона водийсининг шарқий ва жанубий туманларида истиқомат қилганлар. Уларнинг кўпчилик қисми Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Суткон, Шамолбулоқ, Қақирқипчоқ, Тошлоқ, Хўжамшукур, Маданият, Бешлалтак, Дартоқтепа, Қорабағиш, Хидирша, Қоратейит, Кампирравот қишлоқларида яшаганлар [Шониёзов 1974: 113-114]. Ёртибош қишлоғи аҳолиси қирғиз-қишлоқларнинг ёртибош уруғига мансуб бўлган. Қишлоқ шу уруғ номи асосида номланган [Охунов 1994: 21].

**3. Жалойир.** Турк-мўғул қабилаларининг аралашishi натижасида ташкил топган йирик қабилалардан биридир. Рашиддин “Жомеат-таворих” номли асарида жалойирлар XII асрда Онон ва Керулен дарёлари бўйида яшаганлигини ёзади. Улар 10 бўлакка (қабилага) бўлинган: ҳар бир қабиланинг ўз саркардаси (қабила бошлиғи) бўлган. Жалойирларнинг катта бир қисми кидонлар билан бўлган урушда енгилгач, Чингизхон аجدодларига тобе бўлиб, уларга хизмат қилади. Чингизхон ҳукмронлиги даврида жалойирлардан бир қанча эътиборли беклар ва лашкарбошилар етишиб чиқади. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида жалойирларнинг

кўплари Етгисувга ва Ўрта Осиёнинг айрим вилоятларига кўчиб келиб ўрнашдилар[ЎзСЭ, 4-том: 294].

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида истиқомат қилган жалойирлар кейинчалик ўзбек, қozoқ, қорақалпоқ, қирғиз миллатлари таркибига кирган. 1920 ва 1926 йиллардаги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда яшовчи жалойирларнинг сони 25 минг кишига яқин эканлиги аниқланган. Улар Тошкент, Бухоро воҳасида, Нурота тоғи этакларида, Жиззах, Каттакўрғон, Қорақўл туманларида ва Хоразмда яшаганлар [ЎзСЭ, 4-том: 294].

Жалойирлар тарқалган жойларнинг айримлари уларнинг номлари билан аталиб кетган. Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон, Нарпай, Тошкент вилоятининг Қибрай, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Наманган вилоятининг Норин, Фарғона вилоятининг Бувайда, Боғдод, Учкўприк, Фурқат, Риштон, Қува, Жиззах вилоятининг Зомин туманларидаги Жалойир деб ном олган қишлоқлар шулар жумласидандир. Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Чеки Жалойир топоними эса Жалойир қишлоғига қарашли ерларда ташкил топганлиги учун шундай ном олгандир [Охунов 1994: 21-22].

**4. Жургун.** Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ. Тарихий манбаларда, жумладан, XVI асрнинг бошларида ёзилган “Нусратнома”, шунингдек, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асарларида кўчманчи ўзбеклар таркибига кирган уруғлар ичида жургун уруғи ҳам бўлганлиги қайд этиб ўтилган [Ахмедов 1985]. Демак, қишлоқ номи этноним асосида пайдо бўлган [Охунов 1994: 23].

**5. Игдирқалъа.** Хоразм вилояти Шовот туманидаги қишлоқ. Хоразм воҳаси аҳолисининг кичик бир қисмини туркманлар ташкил этади. Бу ерда уларнинг салилар, ёмут, ата, човдур, дуети, гўклан, арабчи, игдир уруғлари вакиллари истиқомат қиладилар [Сапаров 1988: 18]. Топоним туркман уруғининг номи асосида юзага келган [Охунов 1994: 24].

**6. Каловот.** Фарғона вилоятининг Риштон ва Қува туманларидаги қишлоқлар. Фарғона туманининг Гулшан қишлоғи ўрамида Каловот номида

кўча бор. Ўзбек халқининг топонимияси ва этнографиясига оид адабиётларда кал уруғининг мавжудлиги қайд этилган. Топонимист Т. Нафасовнинг ёзишича, Қўнғиротларнинг қўштамғали бўлимига қарашли уруғлардан бири – кал, катагон уруғининг кичик гуруҳи – калтўп деб юритилади. Шевашунос олим Х. Дониёров юз қабиласининг марка бўлими таркибидаги уяс уруғи таркибида кал, шунингдек, юзнинг ражаб боласи деган катта бўлаги ичида бешкал уруғи бўлганлигини қайд этган. Англашиладики, Каловол топоними кишиларнинг ўтмишидаги этник белгиси асосида яратилган. Дастлаб Калобод тарзида шаклланган бу ном “б” товушининг “в” га “д” нинг “т” га ўтиб ўзгариши туфайли Каловот шаклида қўлланилиб кетган. Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Калқишлоқ, Самарқанд вилоятининг Ургут, Жомбой ҳамда Андижон вилоятининг Асака туманларида Бешкал номли қишлоқлар бор [Охунов 1994: 25-26].

**7. Каттаяйдоқ.** Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги қишлоқ. Яйдоқ уруғи яшаган [Шониязов, кўрсатилган асар: 116]. Қишлоқ шу этнонимдан ном олган [Охунов 1994: 26].

**8. Кенагас.** Ушбу ном билан аталувчи қишлоқлар Республикамизнинг кўпчилиқ жойларида мавжуд. Бу хил ойконимлар кенагас этноними асосида ясалгандир. Кенагас – йирик ўзбек қабилаларидан бири. 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, кенагаслардан Шаҳрисабз, Китоб ва уларга яқин қишлоқларда 35040 киши, Кармана ва унинг атрофларида 2775 киши яшаган. Кенагасларнинг айрим гуруҳлари Самарқанд вилоятида, Фарғона водийсида ҳамда Шимолий Афғонистонда ҳам яшаганлар [ЎзСЭ, 5-том: 433]. Кенагас этноними ҳозирда қишлоқ номлари тарзида кўп учрайди. Булар жумласига Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Боғдод, Наманган вилоятининг Поп, Самарқанд вилоятининг Ургут, Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманларидаги Кенагас номли қишлоқларни ҳамда Фарғона вилоятининг Учқўприк туманидаги Катта Кенагас, Кичик Кенагас аҳоли яшаш жойларини мисол қилиб келтириш мумкин [Охунов 1994: 27].

**9. Кўсаҳо.** Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги қишлоқ. Номнинг иккинчи қисмидаги – ҳо тожикча қўшимча бўлиб, кўплик маъносини англатади, ўзбек тилидаги – лар қўшимчасига мос келади. Кўсаҳо – “кўсалар” демакдир. Кўса-қўнғирот, юз, туркманюз каби қабилалар таркибида қайд қилинган уруғ [Қораев 1978: 72]. Қишлоқ ана шу уруғ номи билан аталган. Кўса этнонимидан ясалган жой номларига яна Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Жиззах вилоятининг Фориш туманларидаги Кўса, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Кўсатўп ойконимлари мисол бўла олади. Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги Тоғайкўса асос бўлган [Охунов 1994: 29-30]. Паст Дарғом туманида Кўса номидаги қишлоқ бор.

**10. Манғит.** Қадимги йирик қабилалардан бири. Манғитлар Бухоро ва Қашқадарёда ҳал қилувчи роль ўйнаб келган. Бухоро хонлари манғитлардан чиққан [Дониёров 1968: 30]. Манғит сулоласи тарихчилари ёзишича, XVIII асрга келиб Моварауннаҳрда манғитлар 12 минг уйликни ташкил қилишган [Норқулов 1990: 14]. 1923-1926 йиллар маълумотига кўра, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи манғитларнинг умумий сони 130 мингдан ошиқроқ бўлган. Шундан 100 мингга яқини Бухоро хонлиги территориясида: Бухоро воҳасида ва Қарши атрофида (44 минг), Зарафшоннинг қуйи оқимида 8 минг, ҳозирги Чоржўй туманида (11 минг) яшаганлар. Улар Зарафшон дарёсининг ўрта оқими (10 минг), Жиззах атрофлари (2600 киши) ва Хоразмга (10 минг) ҳам тарқалган эди [ЎзСЭ, 6-том: 594]. Фарғона вилоятининг Данғара, Бувайда, Андижон вилоятининг Хўжаобод, Қашқадарё вилоятининг Қамаш, Деҳқонобод, Бухоро вилоятининг Жондор туманларидаги Манғит, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги Манғитлар, Гурлан туманидаги Манғитёп, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Манғитобод, Каттакўрғон туманидаги Манғитон қишлоқлари шулар жумласидандир. Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги Деҳқонтўда қишлоғига қарашли маҳаллалардан бири ҳам Манғит номи билан юритилади.

Рус тарихчиси Н. Хаников 1843 йилда ёзилган “Бухоро хонлигининг тавсифи” (Описание Бухарского ханства. СПб, 1843: 58) асарида манғитларни 3 та катта тармоққа: тўқ манғит, оқ манғит, қора манғитларга бўлинишини қайд этади. Манғитларга тегишли бўлган йирик уруғлар номи ҳам ҳозирда топонимлар сифатида сақланиб қолган. Хоразм вилоятининг Шовот, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Косон туманларидаги Тўқманғит, Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом, Қашқадарё вилоятининг Ғузор, Қарши туманларидаги Оқманғит, Қораманғит қишлоқларининг номи бунинг мисоли бўла олади.

Кўп сонли бўлган манғит қабиласи яна бир неча катта- кичик уруғларга бўлинган эди. Профессор Т. Нафасовнинг ёзишича, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Бойғунди, Косон туманидаги Қўзиқўчқор, Касби туманидаги Чолманғит, Ўникки, Эсавой, Қамаш, Нишон туманларидаги Бақирчи топонимлари манғит уруғларининг номлари асосида вужудга келгандир. Бундан ташқари, Фарғона вилоятининг Бувайда туманида Бўри Манғит, Кўр Манғит, Сор Манғит топонимлари учрайдики, булар, фикримизча, манғит қабиласининг майда шохобчалари номлари билан аталган бўлса керак [Охунов 1994: 30-31].

**11. Минглар.** Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ. Катта минглар, Кичик Минглар деб иккига бўлинган. “Минг 92 бовли ўзбек элатининг энг катта ва эътиборли қабиаларининг уч устунидан бири деб ғисоблайдилар. Мингнинг вакиллари Самарқанд атрофида, хусусан Ургут туманида, Қўқон ва Фарғона, шунингдек Балх атрофларида учрайди” [Дониёров 1968: 83].

Минг қабиласи Қўқон хонлиги даврида катта мавқега эга бўлган. Қўқон хонлари минглардан чиққан. Тарихий манбаларда ёзилишича, минг қабиласига мансуб кишилар Қўқон атрофидаги Дехқонтўда, Торғова, Чомошбий, Пиллахона, Жоникент, Тўқайтепа, Пиртак, Тепакўрғон, Қайнар, Сарой, Тўрайғир сингари қишлоқларда истиқомат қилганлар. [Набиев 1973: 165-166]. Табиийки, Минглар қишлоғида ҳам минг қабиласи

вакиллари яшаган. Шунинг учун қишлоқ қабила номи билан Минглар деб аталган. Бундан ташқари, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида Катта Минг, Кичик Минг, шу вилоятнинг Иштихон ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманларида Минглар қишлоқлари учрайдики, булар ҳам минг қабиласи номи билан боғлиқдир [Охунов 1994: 33].

**12.Миришкор.** Арабча мир-амир ва тожикча шикор-ов сўзларидан таркиб топган бўлиб, айнан: “ов амири” демакдир. Бу атама тажрибали қушчи маъносида бўлиб, ўтмишда саройдаги ов ишларини бошқариб турувчи шахснинг титулини ҳам ифодалаб келган [Жувонмардиев 1965: 60]. Шунинг билан бирга ўзбек уруғларидан бирининг номи ҳам Миришкор деб аталган. Фарғона вилоятининг Учкўприк, Наманган вилоятининг Наманган, Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманлари ўрамидаги Миришкор қишлоқлари шу уруғ номига қўйилган топонимлар жумласига киради. Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Қалаймиришкор (асли Қалъаи Миришкор) топоними эса “Миришкор қалъаси” маъносини ифода қилади [Охунов 1994: 33-34].

**13.Мўғулкент.** Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги қишлоқ. Муғул–қадимги туркий қабилаларидан бирининг номи. Тураржой шу этник гуруҳ номи билан аталган. Мўғулкент – “мўғуллар қишлоғи” демакдир. Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Муғлон топоними эса муғул этнонимига тожикча кўплик курсаткичи –он қушимчасини қўшиш орқали вужудга келган. Муғулон “мўғуллар” маъносидадир. Муғулон товуш ўзгариши натижасида Муғлон бўлиб кетган.

**14.Найман.** Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрига қарашли қишлоқ. Мазкур ном билан юритилган аҳоли масканлари Республикамизнинг бошқа ерларида ҳам кўп учрайди. Найман –аслида этник гуруҳ номи бўлиб, у қабила сифатида ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган ва уларнинг миллат бўлиб ташкил топишида қатнашган. Биз тилга олган Қувасой атрофидаги найман қишлоғи таркибидаги найман уруғи номи

билан аталган. Дарҳақиқат, мазкур жойда қирғиз найманлари истиқомат қиладилар ва улар хўжанайман, бешнайман, бўзтўрғай найман, қора найман деб номланувчи майда шохобчаларга бўлинадилар. Паст Дарғом туманида ҳам шу этноним номидаги қишлоқлар бор.

**15. Наймас.** Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги қишлоқ. Қўқон хонлиги тарихига оид ҳужжатларда Нонемас шаклида ёзилган [Набиев 1973: 385]. Шунини таъкидлаш керакки, этнографик адабиётларда ўзбек халқи таркибига кирган кенас қабиласининг уруғларидан бири нонемас деб аталганлиги қайд этилган. Бошқа туркий халқлар, жумладан қорақалпоқлар таркибида ҳам нонемас уруғи бор [Губаева 1983: 63]. Англашиладики, қишлоқ кенас қабиласининг бир тармоғи нонемас номи билан аталган. Нонемас бора-бора товуш ўзгариши туфайли Наймас бўлиб кетган [Охунов 1994: 36].

#### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Этимон нима дегани?
2. Уруғ нимани англатади?
3. Қабила, тармоқ, шохобча тушунчаларини шарҳлаб беринг.
4. Этноойконимнинг луғавий маъносини айтиб беринг.

## **Мавзу: Этник омиллар. Этноойконимлар**

### **Режа:**

1. Олтиўртоқ, Олтиўғил, Олчин, Отаўба, Окбўйра этноойконимлари.
2. Пахтабўстон, Сулдуз, Сўзоқ, Такалар, Тейит этноойконимлари.
3. Тозақиёт, Тома, Тоқчи, Тувадок, Турғоқ этноойконимлари.

### **Адабиётлар**

1. Алисова Т.Б., Репина Т.А., Таривердиева М.А. Введение в романскую филологию. Изд. 3-е.-М.:Высшая школа, 2007.-453 с.
2. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П., Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию.-М.: Высшая школа, 1980.-319 с.
3. Вопросы языкознания, 2008, 6.-С.152-154.
4. Жирмунский В.М. История немецкого языка. Изд. 5-е.-М.:Высшая школа, 1965.-408с.
5. “Зарафшон” газетаси, 2010 йил 8 июль.
6. Колшанский Г.В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте// Принципы и методы семантических исследований.- М: Наука, 1976.- С. 5-31.
7. Мельничук А.С. Об одном из важных видов этимологических исследований// Этимология, 1967. Материалы международного симпозиума «Проблемы славянских этимологических исследований в связи с общей проблематикой современной этимологии», 24-31 января 1967г.-М.: Наука, 1969.-336 с.
8. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи.-Т.: Низомий номидаги ТДПИ, 1985.-84 б.
9. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Т.:Фан,1989.-100 б.
- 10.Охунов Н. Жой номлари таъбири.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-86 б.
- 11.Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию.- М., 1950.
- 12.Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари.-С.: СамДЧТИ нашри, 2008.-104 б.

- 13.Этимология. Исследования по русскому и другим языкам.-М.: Изд-во АН, 1963.-314с.
- 14.Энциклопедик луғат. 2 томлик, 1-том.-Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1988.-560 бет.
- 15.Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.-704 бет.
- 16.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, биринчи жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-680 бет.

**Таянч сўз ва иборалар:** туркий ва мўғул халқлари, этнооним, топоним, субстрат, туркий ва эрон халқлари, этнос.

**1.Олтиўртоқ.** Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ. Олтиўртоқ деган қорақалпоқ уруғи бор [Жданко 1950: 161]. Ўзбекларда ҳам шундай уруғ бўлса керак. Наманган вилоятининг Избоскан туманидаги Ўртоқлар топоними ҳам уруғ номи билан аталганга ўхшайди[Охунов 1994: 38].

**2.Олтиўғил.** Фарғона вилоятининг Бувайда, Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Нарпай туманларидаги қишлоқлар. Олтиўғил – ўзбеклар таркибига кирган найман қабиласининг бир уруғи [Қораев 1978: 82]. Этноним асосида қишлоқ номлари юзага келган. Саккизўғил (Пахтачи тумани) қишлоғининг номланишига ҳам уруғ номи асос бўлган [Охунов 1994: 38].

**3.Олчин.** Фарғона вилоятининг Боғдод, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида Олчинобод қишлоғи бор. Олчин-уруғ номи. Дарҳақиқат Мулла Сайфиддин Ахсикендийнинг (XVI аср) тожик тилида ёзилган “Мажму-ат-таворих” асарида келтирилган 92 бовли ўзбек уруғининг ичида олчин уруғи тилга олиб ўтилган [қarang: Материалы по истории киргизов и Киргизии 1973: 210]. Бу этник ном Н. Хаников, А. Вамбери, А. П. Хорошхин, Н. Аристов асарларида ҳам ўзбек

уруғларидан бирининг номи сифатида қайд қилинган [Хаников 1843: 59, Вамбери 1865: 145, Хорошхин 1876: 511, Бравин, Беляев 1903: 4].

Олчин этноними алашын сўзидан келиб чиққан. Ала – улуғ, катта, буюк маъносини билдиради. Шын эса мўғулча зон, тунгусча зон (“халқ”), хакас ва тува тилларидаги чон, чувашча шын (“халқ”, “кишилар”, “қабила”) сўзининг варианты ҳисобланади. Олчин этнонимининг маъноси “катта халқ, кўп кишилар уюшмаси, кўп миқдордаги қабила” демакдир [Нафасов 1988: 142]. Бинобарин, Олчин номли қишлоқлар шу уруғ номига қўйилган топонимлардир.

**4.Отаўба.** Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидаги қишлоқ. Ота (ата)-туркман халқи таркибидаги йирик уруғлардан бири [Атаныязов 1980: 45]. Ўба-ўғуз лағжасида қишлоқ, аҳоли пункти, шаҳардан ташқарида бўлган жой маъносини билдиради [Абдуллаев 1966: 97]. Отаўба –ота уруғидан бўлган кишиларнинг яшайдиган жойи, қишлоғи демакдир.

**5.Оқбўйра.** Андижон вилоятининг Асака, Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманларидаги қишлоқлар. Оқбўйра-Фарғона водийси кипчоқларининг бир уруғи. Шу этнонимдан қишлоқ номлари вужудга келган [Охунов 1994: 40].

**6.Пахтабўстон.** Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги қишлоқ. Илгари Бўстон деб аталган. Қишлоқ номи “боғ, чаманзор, гулистон” маъносини ифодаловчи форс-тожикча бўстон сўзидан олинган эмас. Бўстон (асли бўз тўн) – қирғиз уруғларидан бирининг номи. Қишлоқда қирғизларнинг шу уруғига мансуб кишилари ҳаёт кечирганлар, шунга кўра бу ер Бўстон номини олган. Кейинчалик колхоз тузими даврида қишлоқда хўжалик барпо қилиниб, унга “Пахтабўстон” номи берилди. Колхозлар бирлашгач, бу атама қишлоқ номи сифатида қўлланила бошлайди [Охунов 1994: 41].

**7.Сулдуз.** Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги қишлоқ. Расмий ҳужжатларда, матбуотда Сувюлдуз шаклида нотўғри ёзадилар. Ушбу номнинг сув ва юлдуз сўзларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тўғриси – Сулдуз

ёзилиши керак. Бу этник ном Рашиддиннинг “Жоме – ат – таворих”, Абдулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида тилга олиб ўтилган. Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг:

Санамлар хуснидин мақсуд ёр ўлмиш Навоийга,

Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сулдуз, – шеърий мисраларида ҳам барлос, тархон, арлот уруғлари билан бирга сулдуз уруғи қайд этиб ўтилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган “Насабномаи ўзбек” ва “Тарихчаи Сомий” қўлёзма асарларда сулдуз – 92 бовли ўзбек уруғлари сирасига киритилган [Аҳмедов 1985: 130-131]. Англашиладики, биз изоҳлаётган Сулдуз топоними шу номдаги уруғ номи билан аталгандир. С. Қораевнинг ёзишича, Сулдуз мўғулча бўлиб, “байроқдорлар” маъносини билдиради[Охунов 1994: 46].

**8.Сўзоқ.** Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Хўжаобод туманларидаги қишлоқлар. Фарғона водийси қипчоқларининг бир уруғи сўзоқ [Гумбаева 1983: 72]. Уруғ номи қишлоқ номига кўчган.

**9.Такалар.** Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Ёзёвон туманида ҳам Такалик қишлоғи бор. Андижон вилояти Комсомолобод туманидаги тураржойлардан бири Такали деб аталади. Така – уруғ номи. Қирғиз ва туркман халқи орасида шундай уруғ мавжуд [Гумбаева 1983: 13]. Ўзбеклар таркибида ҳам така уруғи бўлиши мумкин. Чунки туркий халқларнинг уруғ ва қабилалари номлари кўп жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш ва мосдир[Охунов 1994: 46].

**10.Тейит.** Қирғизларнинг ичкилик бўлимига қарашли қабилалардан бирининг номи. Бу қабилага мансуб кишилар инқилобгача бўлган маъмурий-худудий бўлинишга кўра собиқ Фарғона вилоятининг Ўш, Андижон, Марғилон уездларида истиқомат қилганлар [Гумбаева 1983: 85]. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги Тейит қишлоғи номининг юзага келиши мана шу тейит этнонимига дахлдордир. Қоратейит (Андижон вилоятининг

Хўжаобод тумани), Хидирша (Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Хўжаобод туманлари), Кўкалан (Андижон вилоятининг Жалақудук тумани) қишлоқлари эса тейит қабиласининг қоратейит, хидирша, кўкалан деган тармоқлари асосида номлангандир [Охунов 1994: 47].

**11.Тозақиёт.** Хоразм вилояти Хива туманидаги қишлоқ. Номнинг биринчи қисмидаги тоза сўзи Хоразм шеvasида “янги” маъносига эга. Қиёт-ўзбек халқи таркибида учрайдиган уруғлардан бирининг номи. Демак, Тозақиёт-“янги қиёт” маъносидадир. Янгибозор туманидаги Тозадўрмон топонимининг луғавий маъноси - “янги дўрмон” [Охунов 1994: 49].

**12.Тома.** Қадимги уруғлардан бири. Профессор А. Ҳайитметов Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида тома уруғи:

Қайсиларни дер эдилар томадур...

мисрасида қайд этилганлигини ёзади. Томалар XVI асрда шайбонийларни қўллаб-қувватлаган шимолий ўзбек уруғларидан бўлиб, жанговарлиги билан тарихда анча иш кўрсатилганлигини таъкидлайди [Ҳайитметов 1985:138-139]. Бинобарин томалар Дашти Қипчоқ ўзбекларининг таркибига кирган ва XV—XVI асрларда улар билан биргаликда Мовароуннахр ерларига келиб жойлашган [Шониёзов 1974: 150]. Тома уруғининг вакиллари жойлашган баъзи ўрин-жойлар улар номи билан юритилиши одат тусига кирган. Фарғона вилоятининг Дангара, Самарқанд вилоятининг Нарпай, Хоразм вилоятининг Хонқа туманларидаги Тома, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги Томагузар қишлоқларининг номи шу этноним билан бевосита боғлиқдир [Охунов 1994: 49].

**13.Тоқчи.** Даштиқипчоқдан келган йирик ўзбек қабилаларидан бири шундай ном билан аталган. Тоқчи асли тоғчи сўзининг ўзгартирилган шакли бўлиб, маъноси “тоғлиқ” демакдир. Жиззах вилоятининг Зомин, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманларидаги Тоқчи, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Тоқчигузар, Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги Тоқчилик топонимлари шу этник ном асосида яралган. Сурхондарё

вилоятининг Сариосиё туманидаги Тоқчиён атамаси “тоқчилар” маъносини ифодалайди[Охунов 1994: 50].

**14.Тувадоқ.** Фарғона вилоятининг Боғдод, Андижон вилоятининг Асака туманларидаги қишлоқлар. Фарғоналик Мулла Сайфиддин Ахсикандий (XVI аср) ўзининг “Мажмуат-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”) асарида 92 бовли ўзбек уруғини бирма-бир санаб ўтган. Буларнинг ичида тувадоқ деган уруғни ҳам тилга олган [қаранг: Материалы по истории киргизов и Киргизии. 1973: 210]. Аҳоли тураржойларнинг Тувадоқ номини олиши мана шу этноним билан боғлиқдир. Бағдод туманида яна Чек Тувадоқ топоними бор. Тувадоқ қишлоғига қарашли чек ерлар ўрнида бунёд бўлган қишлоқ шундай номланган. Чек Тувадоқ “Тувадоқнинг чеки, ери” маъносидадир[Охунов 1994: 51].

**15.Турғоқ.** Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги қишлоқ. Турғоқ асли уруғ номи. Хива хони (1644—1664 йиллар) ва йирик тарихчи Абулғозихон “Шажарайи турк” асарининг иккинчи бобида турғоқ ҳақида куйидагиларни ёзади: “Маъноси соқчи темак бўлур. Подшоҳлар ўзларини сақлатмоқ учун бир неча кишини тайин қилур эрди. Онлар келиб эшикдан ётқанда навбат бирлан ўлтурур ва навбат бирлан ухларлар эрди. ...Подшоҳни сақлаган кишиларга турқоқлар дер эдилар” [Абулғозий 1992: 37–38]. Дарҳақиқат, муаллифнинг тушунтиришича, турғоқнинг луғавий маъноси “қўриқчи, соқчи” демакдир.

### **Жойларнинг номланишида этник омилларнинг ўрни**

Маълумки, аксарият ҳолларда ҳар бир жой номи ё этнос номи билан, ёки географик жой номи билан боғлиқ бўлади. Биз тадқиқ қилмоқчи бўлган “дўрмон” сўзи ҳам бундан истисно эмас.

Этнографик ва этимологик тадқиқотларнинг барчасида “дўрмон” сўзи туркий, жумладан, ўзбек қавмларининг бири номи билан боғлиқ, деб таъкидланади. Мана улардан айримлари.

Чунончи, беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нинг бринчи жилдида дўрмон этник гуруҳи ҳақида шундай фикр билдирилган: “Дўрмон-Ўзбекистон ва Тожикистонда, шунингдек, Афғонистон шимолида истиқомат қилувчи ўзбек қабилаларидан бири” [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, биринчи жилд 2006: 677]. “Дўрмон-ўзбек қавмларидан бири. Дўрмон мўғулча тўрт демакдир. Тўртта уруғдан ташкил топгани учун шундай аталган бўлиши эҳтимол. Дўрмон қабиласи Абулхайрхон (1428-68), умуман, Ўзбек улусида катта нуфузга эга бўлган. Дўрмонлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларига Дашти Қипчоқдан 16-17-асрлар давомида келиб ўрнашган. Дўрмонлар Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келган. Ўзбекистон ҳудудида Дўрмон қавми кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб тарқоқ ҳолда яшаган. Булар, асосан, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими, Сурхондарё вилоятидаги Қоратоғ дарёсининг ўрта оқими, Сурхон дарёсининг юқори оқимларида, Боботоғ этакларида, Тошкент воҳасида, қисман Хоразм вилоятида жойлашган. Дўрмон қавмининг таркибида оқ кўйли, увоқ, уч уруғ, кўк челақ, нўғай, гурдақ, ой тамғали ва б. бўлинмалари бўлган. Марказий Осиёда Дўрмон атамаси жой номлари сифатида сақланиб қолган (масалан: Тошкент шаҳри яқинидаги Дўрмон қишлоғи ва б.)” [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, учинчи жилд 2002: 399].

“Дўрмон (дўрмонлар) 16-асрда Дашти Қипчоқдан Ўрта Осиёга келиб жойлашган қабилалардан бири. Дўрмон кейинчалик бу ердаги кўпгина жойлар номига айланган” [Энциклопедик луғат, биринчи том 1988: 257].

Масофа жиҳатидан турли минтақа (қитъа)ларда жойлашган давлатлар халқларининг тақдири ўтмишда муштарак бўлган бўлиши мумкин. Шу муносабат билан этмологик тадқиқотларда, жумладан, куйидагича фикр билдирилган: “Своеобразие и сложность этимологической модели лексического таркиба заключается в том, что она является результатом научной абстракции не только от синхронических отношений между языковыми единицами, как это

бываёт обычно для других системных построений в языкознании, но и (в значительно большей степени) от диахронических и территориальных видоизменений тождественных в прошлом единиц при вхождении в различные синхронные системы” (Таъкид бизники-Н.Э.) [Мельничук 1969: 57-67].

Дарҳақиқат, 92 қавмли ўзбек халқининг уруғларидан бирининг номи “дўрмон”. Этнос номи кейинчалик жой номига ўтган ҳолатлар Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида учрайди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Республика ҳукумати қароргоҳи қўним топган жой номи, Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги сой, тепалик, қишлоқ номлари дўрмон этноси номидан олинган.

Жанубий Африка Республикаси шаҳарларидан бири Дурбан деб аталади. Ушбу шаҳар номи “дўрмон” этноси номига бориб тақалмайдими? деган савол туғилади. Африка “инсоният бешиги” [“Зарафшон” газетаси 2010] деб ҳисобланар экан, Дурбанни бевосита дўрмон этноси номига алоқадор деб тахмин қилиш мумкин. Бинобарин, Африкада пайдо бўлган мазкур этник гуруҳ миграция туфайли Марказий Осиёга келиб қолган бўлиши мумкин. Дурбан сўзидаги [б] > [м]га ўтган ва Дурбан > Дўрмон кўринишини олган. Дарвоқе, [б]нинг [м] га ўтиши ўзбек тили тарихида кўп кузатилади.

Бундай ҳолатни бошқа тиллар оилаларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Италиянинг пойтахти Римнинг пайдо бўлиши (эрамизга қадар 754-753 йилларда) келиб чиқиши ҳинд-европа бўлмаган этрусклар томонидан барпо қилинган. Этруриядаги қазилма ишларида топилган она бўрининг тасвири ҳам Рим келиб чиқиши жиҳатидан этруск қабиласига бориб тақалишини тасдиқлайдиган бир ашёвий далилдир, яъни **Roma** сўзи келиб чиқиш жиҳатидан этрускларнинг **ruma** қабиласи номига бориб тақалади [Алисова и др. 2007: 58-59].

Ёки 568 йилда ғарбий герман қабилаларидан лангобардлар Италияни забт этиб, Павия шаҳрини ўзларининг пойтахти қилиб белгилашди. Ушбу этноснинг Италияда узок муддат (200 йилдан ортиқроқ) бўлиши улар номининг жой номларига ўтишига сабаб бўлди. Масалан, Италиянинг шимолий вилоятларидан бири – Ломбардия бевосита мазкур герман қабиласи номи билан боғлиқ [Алисова и др. 2007: 82; Жирмунский 1965: 23].

Ҳозирги Франция пойтахти Париж Рим империяси ҳукмронлигига қадар галлия қабилаларидан бири – паризийларнинг манзили бўлган. Кейинчалик, Рим империяси босқини даврида шаҳар Париж номини олди (Paris<Parisiis–айнан “паризийларда – у паризиев” маъносини беради). Шунингдек, ҳозирги Бургундия номи бургундлар қабиласи номига бориб тақалади [Алисова и др. 2007: 84]. Шунингдек, Франциянинг номи ҳам германларнинг франк қабиласи номидан келиб чиққан [Арсеньева и др. 1980: 17].

Ютландия ярим оролининг кимврлар ва тевтонлар истиқомат қилган ҳудуднинг жанубида ютлар ва англлар яшаган. Ҳар иккала қabila эрамизнинг 5-6-асрларида Британия оролларига кўчиб ўтган; ушбу қабилалар номларидан Ютландия ва Англия номлари келиб чиққан.

Зеландия оролида силинглар қабиласи истиқомат қилган, уларнинг номидан Зеландия номи олинган.

Швеция номи эса свионлар ёки свелар номидан олинган [Арсеньева и др. 1980: 111-112].

Швецияга қарашли Готланд оролининг номи готлар номи билан боғлиқ. Зотан, эрамизнинг 2-асригача бўлган даврда ушбу оролнинг дастлабки аҳолиси готлар бўлган [Жирмунский 1965: 20].

Таъкидлаш лозимки, муайян тилда бошқа тил ёки тилларнинг ўз таъсирини ўтказиши, яъни бир тилда бошқа бир тилнинг ўз изини қолдириши бир қанча социал омиллар билан, яъни субстрат, суперстрат ва адстрат каби омиллар билан боғлиқ ҳолда кечади. Буни нафақат топонимларда, балки тил

системасининг лексик, фонетик ва қисман грамматик сатҳларида кузатиш мумкин.

Қуйида шу омиллар асосида содир бўлган социолингвистик ходисаларга намуналар келтирамиз.

**Чунончи, Апеннин ярим ороли субстрати.** Жумладан, римликлар ва Апеннин ярим оролининг бошқа халқлари маиший ҳаёти ва маданияти этрускларнинг кучли таъсирига учраган. Этрусклар билан алоқа латин тилига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Юқорида таъкидланганидек, топонимикада этрусклар тилининг изи қолганини кўриш мумкин: Clante этруск номи Clante, Modena этрускча mutana “қўрғон”га бориб тақалади.

Франция шаҳарлари номларининг аксарияти эрамизга қадар бу ерларда истиқомат қилган кельт қабилалари номлари билан боғлиқ: Amiens (Ambiani), Angers (Andecavi), Nantes (Namnetes), Tours (Turnones) ва б. [Алисова и др. 2007: 152-153].

**Герман суперстрати.** Римликларнинг герман қабилалари билан алоқалари Рим тарихининг илк даврларига тўғри келади ва у асосан савдо-сотиқ муносабатларини ўз ичига олади. Жумладан, латин тили немис тилининг кўпгина сўзларига, қисман топонимларига ҳаёт бағишлаган: Köln<Colonia, Koblenz<confluentes, Münze<moneta, Strasse<strata ва б. Ўз навбатида, герман сўзлари латин тилига келиб ўзлашган: alces “лось” (Caesar), ganta “ғоз”, sapo “совун” (Plinius) [Алисова и др. 2007: 159-161].

**Араб адстрати.** Араб лексикаси астрономия, математика, медицина, философия каби фанларга кўплаб терминларни берди: испан т. algebra<араб т. <al-gabr; испан т. azimuth<араб т. as-simut “йўналиш” ва б. [Алисова и др. 2007: 164-165].

Бу каби социал омиллар – халқлар тилларининг бир – бирига таъсирини қардош ва ноқардош тилларни қиёсий – типологик ўрганиш асосида ҳар қандай тил структурасида кузатиш мумкин. Бунга юқорида тилга олинган “Дўрмон”, “Ҳовузак”, “Дарё” ва “Дарғом” топонимлари ҳам мисол бўла олади. Ёки мўғул тилидан ўзлашган Қарши шаҳрининг номини олайлик:

Қарши мўғулча “қалъа, кўрғон” деган маъноларни беради. Ҳам туман ва ҳам шаҳар номидаги манзил Булунғур ҳам мўғулча “ботқоқли, сувли ер” дегани.

Хуллас, этимологияга оид материаллар сўз маъносининг тараққиёти ҳар доим муайян шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда изоҳланадиган ички мотивировкага эга эканлигини кўрсатади [Колшанский 1976: 14].

Шунингдек, ҳозирги замон этимология фани сўзнинг семантикасига ички реконструкциянинг муҳим резервларидан бири сифатида катта эътибор қаратмоқда [Вопросы языкознания 2008: 152-154].

Шу маънода этимология фан сифатида нафақат сўзлар ҳақидаги, балки уларнинг орқасида яширин ҳолда турган реалиялар ҳақидаги фан бўлгандагина ўзининг юқори даражасига эриша олади. Ҳақиқий илмий этимологик тадқиқот реалияларни ҳар томонлама ўрганишда катта таянчга эга бўлиши лозим. Яна шу аёнки, этимология, тилшуносликнинг бошқа бўлимларига қараганда, кўпроқ тарихий- маданий контекст билан боғлиқ бўлади. Шундан бўлса керак, кўпинча этимологияни тилда ўз ифодасини топган тарихий маълумотларни олишда беқиёс восита (инструмент) деб билишади. Чунончи, ўзлашган сўзлар аксарият ҳолларда маълум бир халқнинг бошқа халқлар билан ўтмишдаги маданий алоқалари ҳақида қимматли ашё бўлади. Шунинг учун сўзлар тарихини халқ тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис этимологик тадқиқотлар муҳим тарихий ва этногенетик муоммоларни ҳал қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади [Шухардт 1950: 20].

Демак, бундан турлича системага мансуб тиллардаги лисоний бирликлар диахроник ва ҳудудий жиҳатдан фарқ қилса-да, ўтмишда бири-бирига ўхшаш бўлган бўлиши мумкин. Бунга биз тадқиқ қилаётган “дўрмон” этнос номи ҳам ёрқин мисол бўла олади. Ҳар бир сўзни этимологик тадқиқ қилганда дастлаб унинг этимонига ҳамда унинг эволюциясида содир бўлган фонетик ўзгаришларга ва унинг морфологик таркибига эътибор бериш муҳимдир. “Дўрмон” ва “Дурбан” сўзлари морфологик жиҳатдан бир хил структурага эга бўлиши билан бирга айрим фонетик ўзгаришларга учраган,

яъни бу ҳолат сўзларнинг иккинчи қисмида кузатилади: м>б га, о>а га ўтган, ёки аксинча. Булардан қайси бири тўғрилиги эса ушбу сўзларнинг этимони (дастлабки шакли) ни аниқлаш билан ҳал бўлади. Шу маънода келгуси тадқиқотлар бунга ойдинлик киритади, деб умид қиламиз.

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Ижтимоий ҳаётда халқларнинг ўзаро алоқалари бўйича нимани биласиз?
2. Этнос нима?
3. Субстрат ҳодисасига таъриф беринг.
4. Дўрмон этнонимига изоҳ беринг.

## **Мавзу: Этник омиллар. Этноойконимлар**

### **Режа:**

1. Туташқангли, Туялас, Тўда, Тўралар, Тўққизовул этноойконим-лари.
2. Урганжи, Хитой, Хўжамшукур, Чағали, Чегитир этноойконим-лари.
3. Чекчувулдок, Чопкилдик, Чубурғон, Чўнгбағиш этноойконимлари.

### **Адабиётлар**

1. Алисова Т.Б., Репина Т.А., Таривердиева М.А. Введение в романскую филологию. Изд. 3-е.-М.:Высшая школа, 2007.-453 с.
2. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П., Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию.-М.: Высшая школа, 1980.-319 с.
3. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи.-Т., 1991.-152 б.
4. Вопросы языкознания, 2008, 5.-С.152-154.
5. Гордеев Ф. Из истории тюркской этнонимии // Материалы Всесоюзной конференции по общему языкознанию «Основные проблемы эволюции языка», ч.II.-Самарканд, 1966.-С.491-495.
6. Жирмунский В.М. Введение в сравнительно-историческое изучение германских языков.-М.-Л.: Наука, 1964.-316 с.
7. “Зарафшон” газетаси, 2010 йил 8 июль.
8. Кенесбаев С.К. К вопросу о тюрко-монгольской языковой общности (на материале некоторых грамматических явлений казахского языка) // Проблема общности алтайских языков.-Л.:Наука, 1971.-С.322-330.
9. Колшанский Г.В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте// Принципы и методы семантических исследований.- М: Наука, 1976.- С. 5-31.
10. Мельничук А.С. Об одном из важных видов этимологических исследований// Этимология, 1967. Материалы международного симпозиума «Проблемы славянских этимологических исследований в

связи с общей проблематикой современной этимологии», 24-31 января 1967г.-М.: Наука, 1969.-336 с.

11. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Т.: Фан, 1989.-100 б.
12. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи.-Т.: Низомий номидаги ТДПИ, 1985.-84 б.
13. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Т.:Фан,1989.-100 б.
14. Охунов Н. Жой номлари таъбири.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-86 б.
15. Прокош Э. Сравнительная грамматика германских языков.- М.: Изд-во иностранной литературы, 1954.-380 с.
16. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию.- М., 1950.
17. Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари.-С.: СамДЧТИ нашри, 2008.-104 б.
18. Этимология. Исследования по русскому и другим языкам.-М.: Изд-во АН, 1963.-314с.
19. Энциклопедик луғат. 2 томлик, 1-том.-Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1988.-560 б.
20. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.-704 б.
21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, биринчи жилд.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-680 б.

**Таянч сўз ва иборалар:** қабила таркиби, этнос, халқ, миллат, гипотеза (фараз), версия, уруғ.

**1. Туташқангли.** Тошкент вилояти Паркент туманидаги қишлоқ. Қишлоқ Тошкент воҳасида яшаган қангли қабиласининг бир бўлими–гутаашқангли уруғи номи билан аталган [Шо н и ё з о в 1990: 141].

**2. Туялас.** Андижон вилоятининг Хўжаобод, Қўрғонтепа туманларйдаги қишлоқлар. Қирғизларнинг этник таркибига кирувчи ичкилик бўлими таркибида туялас уруғи мавжуд бўлган. Бу уруққа мансуб кишилар қипчоқ,

найман, тейит, кесак, жовкесак, канди, бўстон, найғут, овот уруғлари вакиллари билан бир каторда Фарғона водийсининг жанубий қисмида истиқомат қилганлар [Губаева 1983: 84]. Бинобарин, Туялас қишлоқларининг номланиши шу номдаги этнонимга бевосита алоқадордир.

**3. Тўда.** Фарғона вилоятининг Риштон, Бувайда, Наманган вилоятининг Поп, Норин, Андижон вилоятининг Балиқчи туманларидаги қишлоқлар. Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида яна Тўдакўча, Тўдаарик деган жойлар бор. Тўда – ўзбек уруғларидан бирининг номи [Қораев 1978: 129]. Уруғ номи асосида жой номлари вужудга келган.

**4. Тўралар.** Наманган вилояти Чортоқ туманидаги қишлоқ. Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги қишлоқларидан бири Тўратўпи деб аталади. Тўра-тоифа номи: ўтмишда юқори табақага мансуб оқсуяк аслзодаларга нисбатан тўра сўзи ишлатилган. Юқоридаги қишлоқларнинг номланишига мана шу сўз асос бўлиб хизмат қилган[Охунов 1994: 54].

**5. Тўққизовул.** Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги қишлоқ. Топонимнинг ташқи томонига қараб уни тўққиз овулдан иборат бўлган жой деб изоҳлаш тўғри эмас. Номнинг биринчи қисмидаги тўққиз сўзи тўғиз этноними билан алоқадордир. Бир неча туркий халқлар, жумладан ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, бошқирдлар таркибида тўғиз уруғи мавжуд. Қишлоқ номи мана шу уруғ атамаси асосида юзага келган. Бинобарин, Тўққизовул “тўғиз уруғига мансуб кишилар яшайдиган макон” демакдир[Охунов 1994: 54].

**6. Урганжи.** Уруғ номи бўлиб, асли Урганч шаҳридан чиққан кишиларнинг авлодларидир. Дарҳақиқат, Урганжи атамасида -и қўшимчаси тожикча бўлиб, ўзбек тилидаги -лик қўшимчасига тўғри келади. Урганжи – “урганчлик” демакдир. Ўзбекистонда урганжи этнонимига алоқадор ҳолда вужудга келган аҳоли яшаш масканлари номлари анчагина. Фарғона вилоятининг Данғара, Учкўприк, Бувайда, Андижон вилоятининг Избоскан, Пахтаобод, Наманган вилоятининг Наманган, Жиззах вилоятининг Фориш, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманларида Урганжи, Бухоро шаҳрида

Урганжиён (урганчиликлар), Фарғона вилоятининг Данғара туманида Урганжибоғ топонимлари бор [Охунов 1994: 54]. Бухоро вилояти Пешку туманининг Каласанг қишлоғида ҳам урганжилар истиқомат қилишади.

**7. Хитой.** Қадимги қабилалардан бири. XV асрда кўчманчи ўзбеклар давлати тсварагига уюшган қабилалар орасида хитой қабиласи ҳам бўлган. Бу қabila ҳам бошқа уруғ, қабилалар сингари Дашти Қипчоқда қадимдан яшаб келган туркий қабилалар билан қўшилиб кетган [Аҳмедов 1962: 7]. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида хитой қабиласининг асосий қисми Самарқанд ва Каттакўрғон ўртасидаги туманларга, Оқдарё ва Қорадарё бўйларига, Бухоро ва Кармана воҳасига жойлашган. Жанубий Ўзбекистонда хитойлар Шеробод, Шахрисабз, Чироқчи, Муборакнинг айрим қишлоқларида яшаган [Нафасов 1988: 194-бет].

Хитой қабиласининг вакиллари истиқомат қилган жойларнинг баъзилари уларнинг номи билан аталиб кетган. Фарғона вилоятининг Бувайда, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманларидаги Хитой, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Хитоён (хитой-он-хитойлар), Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Хитойкент, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Қорахитой, Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Биринчи Хитой, Иккинчи Хитой қишлоқларининг номлари шулар жумласидандир [Охунов 1994: 55]. Паст Дарғом туманида ҳам Хитой номли қишлоқлар бор.

**8. Хўжамшукур.** Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги қишлоқ. Фарғона водийсида яшовчи қирғиз-қипчоқларининг тоз, хўжамшукур, шердон, омононг, жамононг, кармиш, жартивош, хидирша, тўрайғир, овот, кизилоёқ, ахтачи, олтика деган уруғлари бўлган [Шониёзов 1974: 118]. Қишлоқ шу уруғлардан бири - Хўжамшукур номи билан аталган.

**9. Чағали.** Фарғона вилояти Данғара туманидаги қишлоқ. Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг Туркистон туманида ҳам Чаға номли аҳоли истиқомат жойи борлиги маълум. Жанубий Қозоғистон

топонимларини текширган тилшунос олима Л. Каримова Чаға топоними этимологик жиҳатдан эрон тилида тепа, тепалик маъносида қўлланувчи чега сўзи билан боғланади, деган фикрни билдиради. Бу, бизнингча, тўғри эмас. Этнографик адабиётларда туркий халқлар ўтмишида чаға, чағали деган уруғ бўлганлиги ҳақида маълумотлар қайд этиб ўтилган [Сидиков 1927: 26-бет]. Бинобарин, Чаға, Чағали деб аталувчи қишлоқлар келиб чиқишига кўра уруғ номлари билан алоқадордир.

**10. Чегитир.** Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги қишлоқ. Қоратегин қирғизларининг ичкилик бўлимига қарашли кесак қабиласи таркибида бўстон уруғи мавжуд. Бу уруғнинг тармоғи-чегитир. Бундан ташқари, тейит қабиласининг чегитир тейит деган шохобчаси бўлган [Абышкаев 1965: 15]. Демак, Четитир-уруғ номига қўйилган қишлоқ номидир.

**11. Чекчувулдоқ.** Фарғона вилояти Фурқат туманидаги қишлоқ. Баъзилар бу номга чувалган чек, яъни узун чек, узун ер тарзида изоҳ берадилар. Аслида бундай эмас. Ном чек ва чувулдоқ сўзларидан таркиб топган. Чувулдоқ — уруғ номи. Х. Дониёров чувулдоқни қирқ уруғининг бир тармоғи деб кўрсатган [Дониёров 1968: 86]. К. Шониёзов қипчоқ қабиласига қарашли уруғлардан бирининг номи-чувулдоқ эканлигини қайд этган [Шониёзов 1974: 123]. Чувулдоқ уруғи Зарафшон водийсидаги найманлар таркибида, шунингдек, қўнғирот қабиласи шохобчалари орасида ҳам тилга олинган [Қораев 1978: 152]. Бинобарин Чекчувулдоқ топонимининг вужудга келиши чувалдоқ уруғи номи билан бевосита боғлиқдир. Чекчувулдоқ-чувалдоқликларнинг ери маъносидадир.

**12. Чопқилдиқ.** Фарғона вилояти Езёвон туманидаги қишлоқ. Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида ҳам Чопқилдиқ қишлоғи бор. Қирғизлар таркибидаги найман қабиласининг тармоқларидан бири чипқилдиқ деб юритилган [Губаева 1983: 84]. Аҳолининг этник таркиби, яъни чопқилдиқ уруғига мансуб эканлиги юқоридаги жой номларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Уруғ номи қишлоқ номига айланган [Охунов 1994: 60].

**13. Чубурғон.** Фарғона вилояти Риштон туманидаги қишлоқ. Ўзбекларнинг уруғ ва қабилаларга бўлиниши ҳақида ҳикоя қилувчи тахминан XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII асрнинг бошларида ёзилган “Насабномаи ўзбек” номли қўлёзма манбада 92 ўзбек уруғидан биттасининг номи “Жубурғон” деб аталган [Аҳмедов 1985: 139]. Бундан ташқари, 1963 йилда Ғаллаоролдан топилган “Қитмир” китобида ҳам 92 боғли ўзбек уруғлари таркибида чубурғон уруғи бўлганлиги қайд этиб ўтилган [Дониёров 1978: 75]. Фикримизча, Чубурғон қишлоғининг номланиши мана шу этноним билан алоқадордир.

**14. Чўнгбағиш.** Қирғизларнинг чап (сўл) қанот қабилалари таркибига кирувчи уруғлардан бири [Абрамзон 1960: 5]. В.П.Наливкин чўнгбағиш уруғини бағиш уруғининг бир тармоғи деб кўрсатади [Наливкин 1986: 13]. Н.И.Аристов қирғизларнинг бу икки уруғини ўзаро яқин деб ҳисоблайди ва уларни асосан Фарғона атрофларида яшашлигини айтади [Аристов 1896: 440]. Чўнгбағиш уруғининг водийда тарқалиши шу ҳудуднинг жой номларида ўз “изи” ни қолдирган.

### **Этнонимлар ва улар билан боғлиқ топонимлар**

1. Кузатишлар аксарият ҳолларда ҳар бир жой номи ё этнос номи билан, ёки географик жой номи билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Тадқиқотимиз объекти бўлган “дўрмон” сўзи ҳам бундан истисно эмас.

Этнографик, этимологик ҳамда лексикографик тадқиқотларнинг барчасида “дўрмон” сўзи туркий, жумладан, ўзбек қавмларининг бири номи билан боғлиқ, деб таъкидланади. Мана улардан айримлари.

Масалан, беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нинг биринчи жилдида дўрмон этник гуруҳи ҳақида шундай фикр билдирилган: “Дўрмон-Ўзбекистон ва Тожикистонда, шунингдек, Афғонистон шимолида истиқомат қилувчи ўзбек қабилаларидан бири” [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, биринчи жилд 2006: 677]. “Дўрмон-ўзбек қавмларидан бири. Дўрмон мўғулча тўрт демакдир. Тўртта уруғдан ташкил топгани учун шундай аталган бўлиши

эхтимол. Дўрмон қабиласи Абулхайрхон (1428-68), умуман, Ўзбек улусида катта нуфузга эга бўлган. Дўрмонлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларига Дашти Қипчоқдан 16-17-асрлар давомида келиб ўрнашган. Дўрмонлар Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келган. Ўзбекистон ҳудудида Дўрмон қавми кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб тарқоқ ҳолда яшаган. Булар, асосан, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими, Сурхондарё вилоятидаги Қоратоғ дарёсининг ўрта оқими, Сурхон дарёсининг юқори оқимларида, Боботоғ этакларида, Тошкент воҳасида, қисман Хоразм вилоятида жойлашган. Дўрмон қавмининг таркибида оқ кўйли, увоқ, уч уруғ, кўк челақ, нўғай, гурдақ, ой тамғали ва б. бўлинмалари бўлган. Марказий Осиёда Дўрмон атамаси жой номлари сифатида сақланиб қолган (масалан: Тошкент шаҳри яқинидаги Дўрмон қишлоғи ва б.)” [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, учинчи жилд 2002: 399].

“Дўрмон (дўрмонлар) 16-асрда Дашти Қипчоқдан Ўрта Осиёга келиб жойлашган қабилалардан бири. Дўрмон кейинчалик бу ердаги кўпгина жойлар номига айланган” [Энциклопедик луғат, биринчи том 1988: 257].

Масофа жиҳатидан турли минтақа (қитъа)ларда жойлашган давлатлар халқларининг тақдири ўтмишда муштарак бўлган бўлиши мумкин. Шу муносабат билан этнологик тадқиқотларда, жумладан, қуйидагича фикр билдирилган: “Своеобразие и сложность этимологической модели лексического состава заключается в том, что она является результатом научной абстракции не только от синхронических отношений между языковыми единицами, как это бывает обычно для других системных построений в языкознании, но и (в значительно большей степени) от диахронических и территориальных видоизменений тождественных в прошлом единиц привхождении в различные синхронные системы” (Таъкид бизники-Н.Э.) [Мельничук 1969: 57-67].

2. Дарҳақиқат, 92 қавмли ўзбек халқининг уруғларидан бирининг номи “дўрмон”. Этнос номи кейинчалик жой номига ўтган ҳолатлар Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида учрайди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги Республика ҳукумати қароргоҳи қўним топган жой номи, Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги сой, тепалик, қишлоқ номлари дўрмон этноси номидан олинган.

Жанубий Африка Республикаси шаҳарларидан бири Дурбан деб аталади. Ушбу шаҳар номи “дўрмон” этноси номига бориб тақалмайдими? деган савол туғилади. Африка “инсоният бешиги” [“Зарафшон” газетаси 2010] деб ҳисобланар экан, Дурбанни бевосита дўрмон этноси номига алоқадор деб тахмин қилиш мумкин. Бинобарин, Африкада пайдо бўлган мазкур этник гуруҳ миграция туфайли Марказий Осиёга келиб қолган бўлиши мумкин ёки аксинча. Дурбан сўзидаги [б] > [м]га, [ан] > [он]га ўтган ва Дурбан > Дўрмон кўринишини олган ёки аксинча. Дарвоқе, [б]нинг [м]га ҳамда [ан] нинг [он]га ўтиши ўзбек тили тарихида кўп кузатилади [Масалан, бу ҳақда қаранг: Бафоев 1991]. Ёки бу ўхшашлик тасодифий ҳолми?! Улар ўртасида генетик ёки контакт характеридаги тарихий умумийликнинг мавжудлиги даргумонми?!

Бундан ташқари, эрон гуруҳи тилларида -(а)н- кўплик -лар кўшимчаси вазифасини ўтайди [Бу ҳақда қаранг: Кенесбаев 1971: 324]. Бу фикр бошқа манбаларда ҳам кўзга ташланади. Чунончи, Н.Охунов куйидагиларни таъкидлайди: Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги Манғитон (“Манғитлар”), Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Муғлон (“Мўғуллар”) этноойконимлари бунга мисол бўлади [Охунов 1994: 30,34].

Шунингдек, адабиётларда туркий халқлардан сарик уйғурларнинг мўғуллар билан узоқ давр ўзаро алоқаси натижасида кўпгина мўғул сўзлари уларнинг лексикасига кириб келганлиги уқтирилади. Жумладан, он (мўғулча -ан, эн, ин) сўзи ўнлик сонларда учрайди: нэгэн (1), гурбан (3), дурбэн (4),

табан (5), зургаан (6), долоон (7), найман (8), юһен (юсен) (9), арбан (10), мянган (1000). Лекин С.К.Кенесбаев бунга шубха билан қарайди [Кенесбаев 1971: 325].

Кўринадик, юқоридаги сонлар рўйхатида “дурбэн” сўзи ҳам келтирилган. Агар юқоридаги версияга асосланилса, унда “дўрмон” тўрт уруғдан иборат қабила, деган маънони беради. Дарҳақиқат, бу ерда кўплик маъноси ифодаланмокда. Топонимист олим Т. Нафасов ҳам “-он кўшимчаси кўпликни билдиради”, деган фикрда [Нафасов 1989:74].

Ф.Гордеев қарамон этнонимининг таркибини изохлар экан қуйидаги фикрни билдиради: қара+ман. Сўзнинг сўнгги қисми “киши, одам” маъносидаги ман сўзидир [Гордеев 1966: 494]. Т.Нафасов, шундан келиб чиқиб: “У (яъни ман. - изох бизники Н.Э.) туркий ва мўғул тиллари, уларнинг ўтмиши олтой тилига хос сўз бўлиб, бир қанча туркий этнонимлар таркибида учрайди: туркман, найман, ўсмон, дўрмон, куман, аларман, кулман (қорақалпоқлар уруғи), бахман (ҳозирги Бахмал номи шундан). Туркман ва ўзбекларда оқман деган уруғлар ҳам бўлган”,-дейди [Нафасов 1989:16].

Агар ушбу фикрга суянадиган бўлсак, дўрмон этноними икки морфологик қисмдан иборат бўлади: дўр+мон. Демак, этноним дастлаб “дўрмон” ёки “дўрман” шаклларида бўлган. Жанубий Африка Республикасидаги Дурбан шаҳри нома эса фонетик ўзгаришларга учраб, ҳозирги кўринишга келиб қолган бўлиши мумкин, яъни дўр → дур, мон ёки ман → бан каби ўзгаришга дуч келган: дўрмон ёки дўрман > дурбан. Кейинчалик апеллятив (этноним) атоқли отга (жой номи - шаҳар номига) ўтган.

Юртимиздаги Дўрмон номидаги жой номлари эса ўзининг асл шаклини сақлаб қолган: Дўрмон, Дўрмонсой, Дўрмонтепа ва б.

3. Дарвоқе, академик В.М.Жирмунский келиб чиқиши кўчманчи туркий-мўғул халқларидан бўлган хунлар харбий юришлари билан Европагача ҳам келиб қолганлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади: “На самом

деле в соответствии с реальными историческими условиями того времени, “государство” Эрманарика представляло зыбкое и недолговечное объединение, межплеменный союз, распавшийся уже в 375 г. при нашествии гуннов, кочевого народа тюркско-монгольского происхождения, пришедшего в Европу из степей центральной Азии” [Жирмунский 1964: 87].

Бундан кўринадики , туркийлардан бўлган хунлар Европага 5-асрда кириб келган, яъни туркий халқарнинг бир қисми Дашти Қипчоқдан 15-16-асрларда Марказий Осиёга, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган бўлса, улар (=хунлар)нинг бошқа бир қисми олдинроқ Европага бориб қолган. Биринчи ва иккинчи ҳолатлар ўртасидаги фарқ 10 асрни ташкил этади. Европага, сўнгра Африкага жангу-жадаллар билан борган хунларнинг ичида дўрмонлар ҳам бўлган бўлиши мумкин. Уларнинг янги истиқомат жойида дастлаб этноним “дўрмон” шаклида бўлиб, орадан ўтган 16 аср давомида у фонетик ўзгаришларга учраб, “дурбан” кўринишини олган. Сўнгра апеллятив атоқли отга ўтиб, Дурбан шаҳрининг номини ҳам атай бошлаган. Этнонимнинг “дурбан” шаклига келишига ўз ватанидан узоқлашган халқ тилининг маҳаллий халқлар тиллари таъсирига учраши (суперстрат) сабаб бўлиши мумкин ва кейинчалик улар маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетган. Марказий Осиёдаги дўрмонлар эса ён-атрофда фақат туркий қавмлар бўлганлиги учун этноним сифатида ўзларининг дастлабки шаклини сақлаб қолган, яъни этник номни англатадиган сўзнинг этимони ўзгаришсиз қолган ва бу ерда ҳам апеллятив атоқли отга - жой номига ўтган.

Одатда халқлар яшаш жойларини ўзгартиришганда ҳам янги истиқомат жойларига ўз номларини беришади. Тарихда бунга кўплаб мисол учрайди. Чунончи, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида Тўқбойсарой қишлоғи бор. Айнан шу номдаги қишлоқ Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом туманида ҳам мавжуд. Иккала қишлоқда ҳам сарой уруғига мансуб аҳоли яшайди. Улар ҳозиргача борди-келди қилишади. Бу эса уларнинг этник яхлитлигини кўрсатади.

Ёки бошқа бир тарихий далил: Италия пойтахти Римнинг пайдо бўлиши (эрамизга қадар 754-753 йилда) келиб чиқиши ҳиндевропа бўлмаган этрусклар томонидан барпо қилинган. Этруриядаги қазилма ишларида топилган она бўрининг тасвири ҳам Рим келиб чиқиши жиҳатидан этруск қабиласига бориб тақалишини тасдиқлайдиган бир ашёвий далилдир, яъни **Roma** сўзи келиб чиқиши жиҳатидан этрускларнинг **ruma** қабиласи номига бориб тақалади [Алисова ва б. 2007: 58-59].

Юқоридаги маълумотларга суянган ҳолда, агар этрусклар этник жиҳатдан ҳиндевропа халқларига қарашли бўлмаса, унда улар туркий қавмларга мансуб бўлиши мумкин, деган фикр кишини чулғаб олади. Чунки туркий қавмлар эрамизгача ҳам, эрамиз бошларида ҳам ҳарбий юришлар туфайли Европага борган, ундан сўнг Африкага ўтган. Зотан, ёввойи ҳайвонларга, хусусан, бўрига сиғиниш қадимги туркий халқларга ҳам хос урфлардан бўлган.

Бундай ҳолатни бошқа тиллар оилаларида ҳам кузатиш мумкин.

Чунончи, 568 йилда ғарбий герман қабилааларидан лангобардлар Италияни забт этиб, Павия шаҳрини ўзларининг пойтахти қилиб белгилашди. Ушбу этноснинг Италияда узок муддат (200 йилдан ортиқроқ) бўлиши улар номининг жой номларига ўтишига сабаб бўлди. Масалан, Италиянинг шимолий вилоятларидан бири – Ломбардия бевосита мазкур герман қабиласи номи билан боғлиқ [Алисова и др. 2007: 82].

Ҳозирги Франция пойтахти Париж Рим империяси ҳукмронлигига қадар галлия қабилааларидан бири – паризийларнинг манзили бўлган. Кейинчалик, Рим империяси босқини даврида шаҳар Париж номини олди (Paris<Parisiis–айнан “паризийларда – у паризиев” маъносини беради). Шунингдек, ҳозирги Бургундия номи бургундлар қабиласи номига бориб тақалади [Алисова и др. 2007: 84]. Шунингдек, Франциянинг номи ҳам германларнинг франк қабиласи номидан келиб чиққан [Арсеньева и др. 1980: 17].

Ютландия ярим оролининг кимврлар ва тевтонлар истиқомат қилган худуднинг жанубида ютлар ва англлар яшашган. Ҳар иккала қабила эрамизнинг 5-6-асрларида Британия оролларига кўчиб ўтган; ушбу қабилалар номларидан Ютландия ва Англия номлари келиб чиққан.

Зеландия оролида силинглар қабиласи истиқомат қилган, уларнинг номидан Зеландия номи келиб чиқишига сабаб бўлган.

Швеция номи эса свионлар ёки свелар номидан олинган [Арсеньева и др. 1980: 111-112].

Швецияга қарашли Готланд оролининг номи готлар номи билан боғлиқ. Зотан, эрамизнинг 2-асригача бўлган даврда ушбу оролнинг дастлабки аҳолиси готлар бўлган [Жирмунский 1965: 20].

Италиянинг шимолидаги Ломбардия провинциясининг номи ғарбий герман қабилаларидан бири лангобардларнинг номидан олинган [Жирмунский 1965: 23].

Таъкидлаш лозимки, муайян тилда бошқа тил ёки тилларнинг ўз таъсирини ўтказиши, яъни бир тилда бошқа бир тилнинг ўз изини қолдириши бир қанча социал омиллар билан, яъни субстрат, суперстрат ва адстрат каби омиллар билан боғлиқ ҳолда кечади. Буни нафақат топонимларда, балки тил системасининг лексик, фонетик ва қисман грамматик сатҳларида кузатиш мумкин.

Қуйида шу омиллар асосида содир бўлган социолингвистик ҳодисаларга намуналар келтирамыз.

Чунончи, **Апеннин ярим ороли субстрати**. Жумладан, римликлар ва Апеннин ярим оролининг бошқа халқлари маиший ҳаёти ва маданияти этрускларнинг кучли таъсирига учраган. Этрусклар билан алоқа латин тилига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Юқорида таъкидланганидек, топонимикада этрусклар тилининг изи қолганини кўриш мумкин: Clante этоуск номи Clante, Modena этрускча mutana “кўрғон”га бориб тақалади.

Кўпинча Франция шаҳарларининг номлари эрамизга қадар бу ерларда истиқомат қилган кельт қабилалари номлари билан боғлиқ: Amiens

(Ambiani), Angers (Andecavi), Nantes (Namnetes), Tours (Turnones) ва б. [Алисова и др. 2007: 152-153].

**Герман суперстрати.** Римликларнинг герман қабилалари билан алоқалари Рим тарихининг илк даврларига тўғри келади ва у асосан савдосотиқ муносабатларини ўз ичига олади. Жумладан, латин тили немистилининг кўпгина сўзларига, қисман топонимларига ҳаёт бағишлаган: Köln<Colonia, Koblenz<confluentes, Münze<moneta, Strasse<strata ва б. Ўз навбатида, герман сўзлари латин тилига келиб ўзлашган: alces “лось” (Caesar), ganta “ғоз”, sapo “совун” (Plinius) [Алисова и др. 2007: 159-161].

**Араб адстрати.** Араб лексикаси астрономия, математика, медицина, философия каби фанларга кўплаб терминларни берди: испан т. algebra<араб т. <al-gabr; испан т. azimuth<араб т. As-simut “йўналиш” ва б. [Алисова и др. 2007: 164-165].

Бу каби социал омиллар – халқлар тилларининг бир – бирига таъсирини қардош ва ноқардош тилларини қиёсий – типологик ўрганиш асосида ҳар қандай тил структурасида кузатиш мумкин. Бунга юқорида тилга олинган “Дўрмон”, шунингдек, “Ховузак”, “Дарё” ва “Дарғом” топонимлари мисол бўла олади. Ёки мўғул тилидан ўзлашган Қарши шаҳрининг номини олайлик: Қарши мўғулча “Қалъа, қўрғон” деган маънони беради. Ҳам туман ва ҳам шаҳар номидаги манзил Булунғур ҳам мўғулча “ботқоқли, сувли ер” дегани.

Шу билан бирга, адабиётларда юқоридаги “субстрат”, “суперстрат” ва “адстрат” терминларининг ўрнида фақат “субстрат” терминининг ишлатилганига гувоҳ бўламиз. Бунда турли ҳиндевропа диалект ва тилларининг ҳиндевропа бўлмаган тиллар билан чатишуви ҳам, қардош ва ноқардош тилларнинг чатишуви ҳам инобатга олинган. Чатишган тиллардан бири ғолиб сифатида ўзининг ички қонуниятлари асосида ўз тараққиётини давом эттирган бўлса, енгилган тил ҳам ўз навбатида ғолиб тилга ўз таъсирини ўтказган. Аёнки, тиллар оиласи шаклланиш жараёнида тилларнинг интеграцияси ва чатишувини ўз ичига олади [Прокош 1954:332].

Шунингдек, этнонимнинг муайян жой номига ўтишида этнос шу ҳудудда яшаган ёки шу ердан ўтган бўлса, ўз номини шу жой номига ўтказган бўлади [Р. Якобсон].

Тарихдан яна шу маълумки, қадимда элатлар ҳамма вақт жойларини алмаштириб туришган. Айниқса кўчманчилари. Ўтлоқда ўт қолмаса, молини, узоқ бўлса ҳам, бошқа яйловга олиб кетган. Ёки урушлар кишиларнинг ўз жойларини ўзгартиришларига сабаб бўлган.

Хуллас, этимологияга оид материаллар сўз маъносининг тараққиёти ҳар доим муайян шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда изоҳланадиган ички мотивировкага эга эканлигини кўрсатади [Колшанский 1976: 14].

Шунингдек, ҳозирги замон этимология фани сўзнинг семантикасига ички реконструкциянинг муҳим резервларидан бири сифатида катта эътибор қаратмоқда [Вопросы языкознания 2008: 152-154].

Шу маънода этимология фан сифатида нафақат сўзлар ҳақидаги, балки уларнинг орқасида яширин ҳолда турган реалиялар ҳақидаги фан бўлгандагина ўзининг юқори даражасига эриша олади. Ҳақиқий илмий этимологик тадқиқот реалияларни ҳар томонлама ўрганишда катта таянчга эга бўлиши лозим. Яна шу аёнки, этимология, тилшуносликнинг бошқа бўлимларига қараганда, кўпроқ тарихий- маданий контекст билан боғлиқ бўлади. Шундан бўлса керак, кўпинча этимологияни тилда ўз ифодасини топган тарихий маълумотларни олишда беқиёс восита (инструмент) деб билишади. Чунончи, ўзлашган сўзлар аксарият ҳолларда маълум бир халқнинг бошқа халқлар билан ўтмишдаги маданий алоқалари ҳақида қимматли ашё бўлади. Шунинг учун сўзлар тарихини халқ тарихисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис этимологик тадқиқотлар муҳим тарихий ва этногенетик муоммоларни ҳал қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади [Шухардт 1950: 20].

4. Демак, бундан турлича системага мансуб тиллардаги лисоний бирликлар диахроник ва ҳудудий жиҳатдан фарқ қилса-да, ўтмишда бири-бирига ўхшаш бўлган бўлиши мумкин. Бунга биз тадқиқ қилаётган “дўрмон”

этнос номи ҳам ёрқин мисол бўла олади. Ҳар бир сўзни этимологик тадқиқ қилганда дастлаб унинг этимонига ҳамда унинг эволюциясида содир бўлган фонетик ҳамда унинг морфологик таркибидаги ўзгаришларга эътибор бериш муҳимдир. “Дўрмон” ва “Дурбан” сўзлари морфологик жиҳатдан бир хил структурага эга бўлиши билан бирга айрим фонетик ўзгаришларга учраган, яъни бу ҳолат сўзларнинг ҳар икки бўғинида ҳам кузатилади: ў>у га; м>б га, о>а га ўтган, ёки аксинча. Булардан қайси бири тўғрилиги эса ушбу сўзларнинг этимони (дастлабки шакли) ни аниқлаш билан ҳал бўлади. Шу маънода келгуси тадқиқотлар бунга ойдинлик киритади, деб умид қиламиз.

Хуллас, ҳар қандай сўзнинг мутлақ ва узил-кесил этимологиясини кўп ҳолларда принципиал жиҳатдан аниқлашнинг имконияти йўқ. Шу боис бир сўзнинг этимологиясини аниқлаш йўлидаги бир қатор ҳаракатларнинг бўлиши табиийдир.

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Қабила ва унинг таркиби деганда нимани тушунаси?
2. Фандаги гипотеза, версия тушунчаларига изох беринг.
3. Этносининг маъносини айтиб беринг.

## **Мавзу: Топонимлар этимологияси**

### **Режа:**

1. Топонимия ҳақида тушунча.
2. Апеллятивнинг атоқли отга ўтиши.
3. Туркий топонимлар.
4. Русча - славян топонимлари.
5. Хулоса.

### **Адабиётлар**

1. Жирмунский В.М. Введение в сравнительно-историческое изучение германских языков.-М.-Л.: Наука, 1964.-316 с.
2. Смолицкая Г.П. Занимательная топонимика.-М.: Просвещение, 1990.-127 с.
3. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка, Т. III.-М.: Прогресс, 1971.-828 с.; Т. IV.-М.: Прогресс, 1973.-852 с.
4. Этимология. Исследования по русскому и другим языкам.- М.: Изд-во АН, 1963.-314 с.

**Таянч сўз ва иборалар:** топонимия, топоним, Олтой, Амур, Енисей, Кавказ, Киев, Нева, Самарқанд Дарвоза, Сардоба, Сибирь, Тюмень, Урал, Чорсу.

**1. Топонимия ҳақида тушунча.** Топоним-атоқли от бўлиб, ҳар қандай географик объектнинг-дарё, кўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, тоғ, орол, кўча, майдон ва бошқаларнинг номини билдиради. Бу ерда топонимлар сўзларнинг этимологияси, яъни келиб чиқиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

**2. Олтой (рус. Алтай).** Ғарбий Сибирнинг жанубидаги, Мўғилистон ва Хитойдаги тоғ тизмаси. Фанда ушбу сўзнинг келиб чиқиши ва номланишининг маъноси ҳақида яқдиллик йўқ. Айрим олимлар уни туркий “ол” (“ал”) “буюк, улуғ” (“огромный”) ва “тай” (“гора”) маъноларини беради,

яъни Олтой-бу “буюк (катта) тоғ” дегани, деб ҳисоблашади. Шунингдек, бу ном туркийча “ал” (“ал”-“огромный”) “буюк” ва “тайга” (“лес”) “ўрмон” деган маъноларни беради, деган фикр ҳам бор. Бошқа версияга кўра, Олтой (Алтай) “Ола-бўла тоғлар” (“пестрые горы”), яъни турли ўсимликлар ва қор билан ўралган тоғларни англатиб, туркийча “Олатов” (“алатау”)га бориб тақалади. Яна бир гипотеза бўйича, Олтой (Алтай) келиб чиқиши мўғилча бўлиб, у “алтай” ёки “алтанай” (“олтин”) сифат асосида қурилган “алтан” ёки “алт” (“олтин”, “тилла”-“золото”) оти ётибди.

**3. Амур.** Маҳаллий халқ нивхидларнинг тилида Амур дарёси Дамурнинг ўзгарган кўринишидир. Эвенкилар уни Амар, Амур (“большая река”) “катта дарё” дейишган [Смолицкая 1990: 102].

**4. Енисей.** Шарқий Сибирдаги дарё. Дарё турли халқлар яшайдиган ҳудудлардан ўтганлиги туфайли у турлича ном билан юритилади. Чунончи, дарёнинг юқори оқим қисмида яшайдиган туваликлар уни Улуг Хем (“большая река”) “катта дарё” деб аташса, кетлар Хук дейишади. Энг ишончли гипотезага кўра, эвенк тилида “енэ” (“йенэ”) “катта дарё” ва кет тилида “сес” (“сьесь”) “дарё” дегани. Вақт ўтиши билан ушбу сўзларнинг бирикуви рус тилида “Енисей” шаклини олди [Смолицкая 1990: 106].

**5. Кавказ.** Тоғлар тизилмаси. Унинг келиб чиқиши ҳали узил-кесил ўз ечимини топмаган. У рус тилига грек тилидан Каукасос шаклида кириб келган бўлиб, “қорли тоғ” (“белоснежная гора”) дегани. Бошқа гуруҳ олимларининг фикрича, сўз эронча бўлиб, “муздек ялтироқ”, “ялтироқ” (“льDISTOблистающий”, “сверкающий”) маъносини беради [Смолицкая 1990: 108].

**6. Киев.** Украина пойтахти, ўтмишда қадимги Рус пойтахти. Киев сўзи турлича талқин қилинади. Энг ишончлироғи – сўз Кий исмли шахс номидан келиб чиққан. Кий, Щек ва Хорив исмли ака-укалар ва уларнинг синглиси Лебедь шаҳарга асос солиб, уни катта акаларининг номи Кий номи билан атай бошлашган ва Кий бу ерда князлик қила бошлаган. Бошқа версия бўйича, Киев юк ташиш бўйича таниқли бўлган, яъни Кий князь эмас, балки

юк ташувчи (“перевозчик”) бўлган. Яна бир версияга кўра, Киев номининг асосида географик термин куява ётган бўлиб, у украин, поляк ва бошқа славян тилларида “тоғ чўққиси” маъносини берган. Шуниси ҳақиқатга яқинроқ туюлади, чунки Киев шаҳри тоғ устида барпо қилинган [Смолицкая 1990: 110].

**7. Нева.** Болтиқ денгизининг Фин кўлтиғи (залив)га қуйиладиган дарё. Дарё номи фин сўзи “neva” (“болото, трясина”) “ботқоқ” дан олинган бўлиши мумкин. Маълумки, Болтиқбўйи финлари уни “Nevajoki” (neva-болото, joki-река, яъни “Болотистая река”) “ботқоқли дарё”, деб аташади. Дарҳақиқат, Нева ботқоқли жойлардан оқиб ўтади, айниқса унинг қуйи оқими ҳаддан ташқари ботқоқлидир. Шу хусусият дарё номига асос бўлган бўлиши мумкин [Смолицкая 1990:113].

**8.Самарқанд Дарвоза.** Тошкент шаҳридаги маҳалла. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлиб, улар Лабзак, Қорасарой, Қашқар, Тахтапул, Сағбон, Кўкча, Чиғатой, Самарқанд, Камолон, Қўймас, Қўқон, Бешёғоч номлари билан аталган. Булардан Самарқанд дарвоза атамаси ҳозирда маҳалла номи сифатида сақланиб қолган. Дарвоза Самарқандга кетадиган йўл устига қурилганлиги учун шундай ном олган [Охунов 1994: 42].

**9.Сардоба.** Сирдарё вилоятидаги Оқолтин туманининг маркази. Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида Сардоба қишлоғи бор. Наманган шаҳри маҳаллаларидан бири ҳам Сардоба деб юритилади. Сардоба тожикча сард-совуқ, муздек; об-сув сўзларидан ҳамда от ясовчи -а қўшимчасидан таркиб топган бўлиб, “муздек сув сақланадиган жой, яъни сув ҳавзаси” деган маънони билдиради. Сардоба асли сув иншоотининг номи. Оқар суви бўлмаган жойларда усти гумбазсимон қилиб ёпилган, таги ва деворлари тош, ғиштдан терилган, сув кирадиган тешиги, устида мўриси ва сувидан фойдаланиш учун одам кириб чиқадиган махсус жойи (эшиги) бўлган қадимий сув ҳавзаси — сардоба деб юритилган [Нафасов 1988: 165]. Тарихий маълумотларга қараганда Мовароуннаҳрда 44 та сардоба бўлган.

Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Тошкент билан Фарғона устидаги қадимги савдо йўлида, 1 таси Кармана яқинида бўлган. Сардобалар қадимги даштлардаги чорвани ва савдо қарвонларини сув билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган. Сардобадан Ўрта Осиёнинг баъзи дашт-чўлларида ҳозир ҳам қисман фойдаланилади [ЎзСЭ, 9-том: 522]. Юқорида қайд этилган топонимлар сув ҳавзасининг номи - сардоба асосида вужудга келган. Турдош от атоқли отга ўтган.

**10. Сибирь.** Россия Федерациясининг Уралдан Тинч океанигача бўлган ҳудуди. Энг ишончли тахминлардан бирига кўра, топоним номи Ханти ёки Манси қабилаларининг этник гуруҳларидан бирининг номи “Сибирь” ёки “Шибир” сўзи асосига қурилган. Уларнинг тили фин-угор тиллар гуруҳига мансуб [Смолицкая 1990: 119].

**11. Скандинавия.** Scandza (Скандза) ороли (Scandzia). Птолемей уни Scandia, Плиний Scadinavia, деб атайдди. Сўзнинг иккинчи қисми герман тилидаги \*awjō “орол” дегани. Қиёсл. гот т. awī, қарат. кел. aujos, қадимги юқори немис т. auwīa, ouwa (немисча Aue “ўтлоқ, водий”) “орол”, “сув босадиган ўтлоқ” маъносида, англ-саксон т. iez, қадимги исланд т. eu, қарат. кел. eu-jaг “орол”. Сўзнинг биринчи қисми этимологияси даргумон, балки у герман тилидаги \*skaðin “хавф” (опасность), “зарар, зиён” (“вред”)дан олингандир, қиёсл. қадимги исланд т. skaðis, қадимги саксон т. skatho, англ-саксон т. sceadu, қадимги фриз т. skatha, қадимги юқори немис т. scado (немисча Schaden “зиён, зарар”) “хавфли орол” маъносида қўлланади [Жирмунский 1964: 53-57].

**12. Тобольск.** Тюмень вилоятидаги шаҳар. Тобол номининг келиб чиқиши ва маъноси ҳақида бир неча версия мавжуд. Улардан бирига кўра, сўз туркий “ту” (“знамя”, “знак”) “байроқ”, “туғ” сўзи ва “булу” (“разделить”) “бўлмоқ” феъллари билан боғлиқ, яъни “ажратувчи, чегар(ловчи) дарё” (“разделяющая, пограничная река”) деган маънони

беради. Дарҳақиқат, Тобол дарёси ўтмишда турли халқлар ўртасида чегара вазифасини ўтаган [Смолицкая 1990: 121-122].

**13. Тюмень.** Шаҳар ва Тюмень вилояти маркази. Ушбу ном “ўн минг” маъносидаги татарча сўзга бориб тақалади, деган тахмин бор. Қадимий туркий тилда “тюмян” (“туман”) “ўн минг”, “жуда кўп” (“десять тысяч”, “очень много”) маъноларини берган. Шунингдек, қадимий мўғил тилида “тюмэн” (“десять тысяч”, “тьма, бесчисленное множество”) “сон-саноксиз кўпчилик” маъносини англатган. Эҳтимол, “тюмен” сўзини туркий тиллар мўғил тилидан ўзлаштирган бўлиши мумкин. Зотан, қадимий мўғил тилида “тюмэн” сўзи нафақат “ўн минг” деган маънони, шунингдек, “катта сонли қабила” маъносини ҳам берган. Кейинги маъно шаҳар номида ўз ифодасини топган шекилли. Тюмень- “кўп сонли қабила яшайдиган ҳудуддаги шаҳар” [Смолицкая 1990: 122].

**14. Урал.** Урал тоғи. Урал сўзининг келиб чиқишига доир бир неча гипотеза мавжуд. Энг ишончлиси – унинг келиб чиқишини туркий тилларга боғлаш. Чунки, Уралнинг номларидан бири – “Белбоғ” (“Пояс”) туркийча “ўралмоқ” (“опоясываться”) феъли билан боғлиқлигидадир, яъни белбоғга ўхшаш тоғ ерни ўраб туради [Смолицкая 1990: 122-123].

Кўринадики, топонимда халқнинг психологияси, унинг маънавий ва моддий ютуқлари, миллий ўзини-ўзи англаш туйғуси акс топган бўлади.

**15. Чорсу.** Тошкент, Қўқон, Наманган шаҳарларидаги жойлар номи. Қўқон шаҳрида Янги Чорсу маҳалласи ҳам бор. Чорсунинг луғавий маъноси “тўрт томон” дир. Бу шартли тушунча бўлиб, тўртта кўчанинггина эмас, учта, бешта, ҳатто 6-7 кўчанинг ҳам кесишган жойи Чорсу дейилаверган [Ҳасанов 1965: 40]. Бундай жойларда савдо расталари, косибларнинг дўконлари жойлашган. Чорсулар – шаҳарларнинг марказий бозори ҳисобланган.

**16. Чоршанба.** Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги қишлоқ. Қишлоқ ҳафта кунларидан бирининг номини ифода этувчи чоршанба атамаси билан юритилган. Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида Пайшанба,

Паст Дарғом туманида Жума, Бухоро вилоятининг Қоракўл, Олот, Тошкент вилоятининг Бекобод, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманларида Жумабозор, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида Шанба деб юритилувчи аҳоли пунктлари ҳам учрайди. Мазкур жой номлари шу қишлоқларда ҳафтанинг чоршанба, пайшанба, жума, шанба кунлари бозор бўлганлиги муносабати билан вужудга келгандир [Охунов 1994: 61].

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Топоним нима?
2. Топонимия нимани ўрганади?
3. Туркий ва герман топонимларига изоҳ беринг.
4. Русча топонимларни тушунтириб беринг.

**Мавзу: Табиат ва астрономик тушунчалар, инсон фаолияти билан  
боғлиқ предметлар этимологияси**

**Режа:**

1. Кириш.
2. Год (“йил”), Сутки, Неделя, Автомобиль.
3. Сурма, Студент, Собака, Слесарь, Haus.
4. Сеанс, Техника, Улан, Чилим, Automobil, Haus.

**Адабиётлар**

1. Жабборов Х. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари.-Қарши: Насаф, 2005.-152 б.
2. Жирмунский В.М. История немецкого языка. Изд-е 5-е.-М.: Высшая школа, 1965.-408 с.
3. Кормушин И.В. К методике сравнительного изучения алтайских языков // Проблема общности алтайских языков.-Л.:Наука, 1971.-С. 22-30.
4. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати.-Т.: Фан 1991.- 120 б.
5. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка, Т. III.-М.: Прогресс, 1971.-828 с.; Т. IV.-М.: Прогресс, 1973.-852 с.
6. Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари.-С.: СамДЧТИ нашри, 2008.-104 б.
7. Wahrig. Herkunftswörterbuch.-Gütersloh / München, Geschäftsbereich Verlag, 2009.-912 S.

**Таянч сўз ва иборалар:** йилнинг русча “год” сўзи, Haus, сурьма (сурма), сутки, неделя, улан, чилим, автомобиль.

1. **Automobil.** Kraftfahrzeug (“юрувчи двигатель”). Грек тилидаги autos “selbst” (“ўзи”) ва латинча mobilis “beweglich” (“подвижной, передвижной”-

“харакатланадиган, кўчма”) сўзларидан ҳосил бўлган [Wahrig Herkunftswörterbuch 2009: 78].

**2. Dienstag.** Dienstag “сешанба”. Dienstag <\* dingestag (қиёсл. ўрта юқори немис тили dingesdach) “тинч куни” (лотинча Martisdies, французча mardi). Ting герман қабилаларининг олий ҳокимияти халқ мажлисининг номи, ting - қабилалар олий ҳокимиятининг халқ мажлиси куни [Жирмунский 1964: 43-44].

**3. Edel.** Edel “зодагон” (“знатный, благородный”). Бу сўз барча герман тилларида қўлланади. Қиёсл. қадимги юқори немис т. edili, қадимги саксон т. eđili, инглиз-саксон т. aeðele, қадимги фриз т. ethele; Edeling “зодагон уруғнинг авлоди”. Қиёсл. қадимги юқори немис т. ediling, adalung, англ-саксон т. aedeling, қадимги фриз т. etheling. Adel “келиб чиқиши зодагон” сўзидан қадимги юқори немис т. adal, қадимги саксон т. ađali, англ-саксон т. aedelu; скандинав тилларида қуйидаги маъноларда: қадимги исланд ađal “уй, хонадон”, “наследан-наследга ўтадиган мулк”. Ушбу сўз қуйидагилар билан этимологик алоқа ташкил қилади: қадимги саксон т. ōđil, англ-саксон т. ōðel (ēðel), қадимги фриз т. ēthel, қадимги юқори немис т. uodal, қадимги исланд т. ōrpal “кўрғон” (“усадьба”), “авлоддан-авлодга ўтадиган мерос ер”; шунингдек, гот т. haīm-ōrpli “мерос ер” (“наследственное земельное владение”), қадимги немис т. heimōdil “ватан” (немис т. Heimat), fater- uodal “ота мерос” (“отцовское владение”), англ-саксон т. faeder-ēðel “ватан” (“родина”) [Жирмунский 1964: 45].

**4. Gattung.** Gattung “уруғ, қавм, қабила” (“род”), “бир-бирига яқин бўлган бир неча уруғни ўз ичига олган гуруҳ -оила” (“семейство”). Герман тилларида “уруғ” \*kunja сўзи билан ифодаланган, қиёсл.: гот т. kuni, қадимги юқори немис т., қадимги саксон т. kunni, англ-саксон т. cunn (инглиз т. kin) герман т. \*ken-, ҳиндевропа т. \*gen- “туғмоқ” (“рожать”) дан келиб чиққан. Қиёсл. лотин т. genus, қадимги ҳинд т. janas “уруғ” (“род”). Ундан ясалган сўзлар: қадимги юқори немис т., қадимги саксон т. kuning, инглиз cuning,

кадимги фриз т. *kening* сўзлари дастлаб уруғ ва қабила сардори, сўнгра қирол маъносида қўлланган (қиёсл. немисча *König*, инглизча *king*, скандинавча *kungr*) [Жирмунский 1964: 44].

**5. Haus.** Номланиш гот тилидаги *hus*, кад. ингл. т. *hus* ва кад. фриз т. *hus* билан биргаликда герм. тилидаги *\*husa* сўзига бориб тақалади. Сўзнинг келиб чиқиши билан боғлиқ кейинги маълумотлар аниқланмаган. Унинг грек тилидаги *keūthos* “Höhe -неуеРа (“ғор”), берлога (“уя”), логова (“уя, макон”); *Unterkunft* - убежище (“бошпана”), пристанище (“бошпана, паноҳ”), приют (“бошпана, макон”)” билан қардош деб боғлаш шубҳалидир. *Hausen* ясама сўзи дастлаб “яшамок, хўжалик юритмок” маъноларини берган бўлса, 16-асрдан бошлаб “*schlecht mit etwas umgehen*” (“нима биландир ёмон муносабатда бўлиш”) маъносини олди. 15-асрдан бошлаб “*hausieren*” (“разносить по домам”-“уйларга таркатмок”) биринчи бор “*haushalten*” (“хозяйничать”, “вести хозяйство”-“хўжайинлик қилмок”, “хўжалик юритмок”) ёки “*hausen*” (“проживать, ютиться” -“яшамок”; “хозяйничать”-“хўжайинлик қилмок”), деб талқин қилина бошланди. Кейинчалик “*von Haus zu Haus gehen und etwas anbieten*” - (“уйдан - уйга юрмок ва ниманидир таклиф этмок”) деган ҳуқуқни олди. *Haushalt* оти 17-асрдан бошлаб *haushalten* феълидан қайта ясалди. Ушбу феъл орқага қайтиш (силжиш ходисаси) ҳисобланиб, *Haus* ва *halten* сўзларидан ясалган ва дастлаб “*das Haus bewahren, erhalten*”- (“уйни кўриқламок, сақламок”) тарзида талқин қилина бошланди [Wahrig Herkunftswörterbuch 2009: 341-342].

**6. Hof.** Сўзнинг маъноси лотинча *villa*> французча *ville*, лотинча *curtis*> французча *court* сўзларининг маъноларига тўғри келади [Жирмунский 1964: 35]. Немисча *Hof* ўзбек тилида “ҳовли, кўра”; “деҳқон хўжалиги, хонадон”, “сарой” маъноларини беради.

**7. Год.** Русское обозначение природно-астрономического цикла-год-развилось из семантики «время», «срок» (в древнерусском и некоторых славянских) и сопоставляется с германскими словами со значением

«подходить» = рус. «годиться» [Фасмер 1964: 246]. Одна из новейших этимологий выводит слав. «год» «из <\*dogъ и поэтому тождественно гот. «dags», а также др. прусск. «dagis» «лето», литов. «dagas» «жар; летняя жара; жатва», «dagá» «жатва» [Семереньи 1967: 17] [Кормушин 1971: 27].

**8. Неделя.** Укр. неділя “воскресенье, неделя”, болг. недзеля “воскресенье”, кад. рус. недѣля “воскресенье, неделя”. Дастлабки маъноси “нерабочий день, воскресенье”. Ундан понедельник - название следующего после воскресенья дня [Фасмер 1971: 57].

**9. Слесарь.** Род. кел. -я, Петр I давридан бери. Янги юкори немис тилидаги Schlosser сўзидан сўз бошидаги sch- товушининг ўзидан кейинги -s- (“с”) товушига ассимиляция бўлишидан келиб чиққан [Фасмер 1971: 670].

**10. Собака.** Укр. “собака”, болг. “сабака”, кад. рус. “собака”, поляк. sobaka. Юкори Силезияда -“сўкиниш функциясида”, кашуб. sobaka “распущенный человек”. “Собака” дан “собачиться” “браниться” келиб чиққан. “Собака” туркий köbäk “собака” дан ўзлашган [Фасмер 1971: 702-703].

**11. Сеанс.** Французча seance “заседание”, seant “заседающий” дан лот. sedeō, -ēre “сидеть” [Фасмер 1971: 586].

**12. Студент.** Халқ тилида “студент” (“скудный” нинг таъсири остида), “скубент” (:скубу). Эҳтимол поляк т. student ёки нем. Student, лот. studens, қарат. кел. (род. п.) -ntis “старающийся” (“интилувчан”) [Фасмер 1971: 787].

**13. Сурьма, сурма.** Турк, крим-татар тилидаги sürmä “сурьма” süg- “бўямоқ”, татарча “сурьма” дан [Фасмер 1971: 809] олинган.

**14. Сутки.** Кўпликда, украинча “сутки” шу маънода, у -су ва \*тька, с тыкать, билан боғлиқ, яъни “кун ва туннинг учрашиши” (“стык дня и ночи”). Диал. “сутки” кўпликда “углы в избе”, укр. “сутки” кўпликда “узкий проход” (“тор ўтиш жойи”), чех. soutka “узкий проход” [Фасмер 1971: 811].

**15. Техника.** Грек тилидан лат тилидаги technica “искусство”га, ундан немис тилига Technik шаклидан рус тилига ўзлашган Фасмер 1973: 54].

**16. Улан.** “Телохранитель”. Қад. рус. улань. “член ханской семьи, лицо княжеского рода”. Туркий *oulan* “юноша, молодец”, қипч. *oulan* “знатный” дан ўзлашган [Фасмер 1973: 158].

**17. Хайров.** Аслида **хайр+об** = хайроб//хайров “Хайр” арабча сўз бўлиб, “яхшилиқ, яхши иш, саховат”, “об” тожикча “сув” сўзларидан ясалган бўлиб, суғориш тармоқларини қазиш, тозалаш даврида амал қилувчи ўзбек урф-одатларидан бири ҳисобланиб, қишлоқ аҳлининг оммавий равишда сув йўллари тозалаш номи [Жабборов 2005: 46].

**18. Чилим.** Курительная трубка, жевательный табак. Чигатой, тархан, татарча *çilim* “курительная трубка” дан олинган [Фасмер 1973: 362].

**19. Эрганак.** Қора уйнинг икки табақали эшиги. У ён ёғочларига ип билан маҳкамланади. Эрганак табақалари чўпдан қилинган бўлади [Мирзаев 1991: 104].

**20. Гот тилидан славян тилларига ўзлашган сўзлар.** Қиёсл. эски славян т. мечь “қилич” (“меч”)- гот т. *mēki* (қиёсл. крим гот т. *mucha*); эски славян броня “броня, зирх” - *brunjō* (немис т. *Brünne*); эски славян т. шлем - гот т. *\*helms*, кейинроқ *hīlms* (немис т. *Helm*); эски славян т. враг - гот т. *wargs* “жиноятчи” (“преступник”) [Жирмунский 1964: 87].

**21. Лотин тилидан гот тилига ўзлашган сўзлар.** Қиёсл. “қозон” (“котел”) - гот. *katils* (немис т. *Kessel* <лотин т. *catil(l)us*; “сотиб олмоқ” (“купить”) - гот т. *\*kaupjan*, *каупон* (немис т. *kaufen*) < лотин т. *сауро*, *-onis* “вино сотувчи” (“продавец вина”) [Жирмунский 1964: 87-88].

### **Мавзу бўйича савол ва топшириқлар**

1. Русча “год” сўзининг этимологиясини айтиб беринг.
2. *Haus* сўзининг этимологиясини изоҳланг.
3. Улан сўзига қандай этимологик талқин берилади?

## Хулоса

Тилшуносликнинг бир бўлими сифатида этимология фани Европа ва рус тилшунослигида кўп ва анча яхши ўрганилган. Бу борада кўплаб махсус тадқиқотлар, луғатлар чоп этилди. Этиологиянинг долзарб масалалари бўйича туркум ишлар эълон қилинди ва бу жараён, давр руҳидан келиб чиққан ҳолда, давом этмоқда. Улардан бир қанчаси замон синовларидан муваффақиятли ўтиб, қайта-қайта нашр этилмоқда. Жумладан, немис тилшунослари Friedrich Kluge нинг “Etymologisches Wörterbuch” , Макс Фасмернинг тўрт жилдли “Этимологический словарь русского языка” асарлари кўп бор дунё юзини кўрди. Буларнинг қаторига Hermann Paul нинг „Deutsches Wörterbuch“ини ҳам киритиш мумкин.

Ўзбек тилидаги тадқиқотларга келсак, ҳозирча камтарона ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” (Т.: Университет, 2000) бу борадаги ишларнинг дебочасидир. Тўғри, айрим сўзларнинг этимологиясига бағишланган баъзи изланишлар ҳам бор. Лекин уларнинг сони бармоқ билан санарли. Республикамизда топонимияга аталган ишлар салмоқчилиги ва бир жиҳати билан этимологияга ёндашадиган хусусиятларининг мавжудлиги билан қувонарли ҳолдир.

Қўлингиздаги мазкур қўлланма ҳам сўзларнинг келиб чиқишини ўрганишга бағишланган илк уринишлардадир. Шу боис унда баъзи камчиликлар бўлиши табиийдир. Келгуси нашрларда бу борадаги бўшлиқ тўлдирилади, деган умиддамиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Алисова Т.Б., Репина Т.А., Таривердиева М.А. Введение в романскую филологию. Изд. 3-е.-М.:Высшая школа, 2007.-453 с.
2. Арсеньева М.Г., Балашова С.П., Берков В.П., Соловьева Л.Н. Введение в германскую филологию. Учебник.-М.:Высшая школа, 1980.-С.54-66, 249-250.
3. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. -Т., 1991.-152 б.
4. Бишиев А.Г. Еще раз об этнониме башкóрт // Проблема общности алтайских языков. Отв. ред. О.П.Суник.-Л.:Наука, 1971.-404 с.
5. Вопросы языкознания, 2008, 6.-С.152-154.
6. Гарипов Т.М., Кузеев П.Р. Башкирские родо-племенные названия и их алтайские параллели // Проблема общности алтайских языков. Отв. ред. О.П.Суник.-Л.:Наука, 1971.-404 с.
7. Гордеев Ф. Из истории тюркской этнонимии // Материалы Всесоюзной конференции по общему языкознанию «Основные проблемы эволюции языка», ч.II.-Самарканд, 1966.-С.491-495.
8. Жабборов Х. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари.-Қарши: Насаф, 2005.-152 б.
9. Жирмунский В.М. История немецкого языка. Изд-е 5-е.-М.:Высшая школа, 1965.-408 с.
10. Жирмунский В.М. Введение в сравнительно-историческое изучение германских языков.-М.-Л.: Наука, 1964.-316 с.
11. “Зарафшон” газетаси, 2010 йил 8 июль.
12. Кенесбаев С.К. К вопросу о тюрко-монгольской языковой общности (на материале некоторых грамматических явлений казахского языка) // Проблема общности алтайских языков.-Л.:Наука, 1971.-С.322-330.
13. Колшанский Г.В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте// Принципы и методы семантических исследований.- М: Наука, 1976.- С. 5-31.

14. Кормушин И.В. К методике сравнительного изучения алтайских языков // Проблема общности алтайских языков.-Л.:Наука, 1971.-С. 22-30.
15. Мельников Г.П. Монгольский вокализм как система и алтайская гипотеза // Проблеме общности алтайских языков.-Л.: Наука, 1971.-С.297-307.
16. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изохли луғати.-Т.: Фан, 1991.-120 б.
17. Москальская О.И. История немецкого языка (на немецком языке).Изд-е 2 е.-Л.:Просвещение, 1969.-С. 34-47.
18. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи.-Т.: Низомий номидаги ТДПИ, 1985.-84 б.
19. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган?-Т.:Фан,1989.-100 б.
20. Охунов Н. Жой номлари таъбири.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-86 б.
21. Реформатский А.А. Введение в языковедение. Изд-е 4-ое.-М.: Просвещение, 1967.-542 с.
22. Смолицкая Г.П. Занимательная топонимика.-М.:Просвещение, 1990.-127 с.
23. Филичева Н.И. История немецкого языка.-М.: Изд-во Московского университета, 1959.-С.13-24.
24. Хыдыров М.Н. Некоторые заметки к алтайским лексическим параллелям // Проблеме общности алтайских языков.-Л.: Наука, 1971.-С.202-203.
25. Цинциус В.И. Алтайские термины родства и проблема их этимологии // Проблеме общности алтайских языков.-Л.: Наука, 1971.-С.127-138.
26. Щербак А.М. О характере лексических взаимосвязей тюркских, монгольских и тунгусо-маньчжурских языков // ВЯ, 1966, № 3.
27. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию.- М., 1950.
28. Элмуродов Н. Зарафшон воҳаси ўзбек халқи этник гуруҳлари.-С.: СамДЧТИ нашри, 2008.-104 б.

29. Энциклопедик луғат. 2 томлик, 1-том.-Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1988.-560 бет.
30. Этимология. Исследования по русскому и другим языкам.-М.:Изд-во АН, 1963.-314 с.
31. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005.-656 бет.
32. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.-592 бет.
33. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 60000 сўз ва бирикма.
3. М. Маъруфов таҳрири остида.-М.: Рус тили, 1981. Биринчи том:А-Р.-631 б.; Иккинчи том: С-Ҳ.-715 б.
34. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Биринчи жилд: А-Д, 2006.- 679 б.; Иккинчи жилд: Е-М, 2006.- 671 б.; Учинчи жилд: Н-Т, 2007.- 687 б.; Тўртинчи жилд: Т-Ш, 2008.-606 б.; Бешинчи жилд: Ш-Ҳ, 2008.- 591 б.
35. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-жилд.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.-704 б.
36. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, биринчи жилд.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.-680 б.
37. Wahrig. Herkunftswörterbuch.-Gütersloh.-München, Geschäftsbereich Verlag, 2009.-912 S.

## Қўшимча адабиётлар

1. Аҳмедов Б. Ўзбек халқининг келиб чиқиши.-Т., 1964.
2. Аҳмедов Б. Государство кочевых узбеков.-М., 1965.
3. Баскаков Н.А. Тюркские языки.-М., 1960.
4. Бах А. История немецкого языка. Ред., предисл. и прим. проф. М. М. Гухман. -М., 1955.
5. Бегалиев Н.Б. Ўзбек этнонимлари тарихидан.-С., 2004.
6. Берков В. П. и Бёдварссон А. Исландско-русский словарь. -М., 1962.
7. Г у х м а н М. М. Готский язык. -М., 1958.
8. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари.-Т., 1968.
9. „Древние германцы“. Сборник документов. Вводн. статья и ред. А. Д. Удальцова. -М., 1937.
10. Жирмунский В. Немецкая диалектология. -М., 1956. (Перев. V. Shirmunski. Deutsche Mundartkunde. -Berlin, 1962).
11. Жирмунский В. О племенных диалектах древних германцев // Вопросы германского языкознания. Материалы второй научной сессии по вопросам германского языкознания.-М., 1961.-С. 7-43.
12. Иордан. О происхождении и деяниях гетов (Getica). Вступ. статья, перев. и комментарий Е. Ч. Скржинской. -М., 1960.
13. Макаев Э. А. Проблемы индоевропейской ареальной лингвистики.- М. -Л., 1964 (серия „Вопросы теории языкознания“)
14. Неусыхин А. И. Общественный строй лангобардов в VI-VII веках// Средние века, вып. I. -М.-Л., 1942.-С. 20—42.
15. П р о к о ш Э. Сравнительная грамматика германских языков. С прим. проф. М. М. Гухман.-М., 1954.
16. Смирницкий А. И. Древнеанглийский язык. -М., 1955.
17. Публий Корнелий Тацит. Германия//Древние германцы. Сборник документов. Вводн, статья и ред. А. Д. Удальцова.- М., 1937. -С. 83-110.

18. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа.-Т., 1974.
19. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа.-Т., 1941.
20. Bach A. Deutsche Namenkunde. Bd. II, T. 1—2. Die Deutschen Ortsnamen. - Heidelberg, 1954.
21. Braun F. Die letzten Schicksale der Krimgoten. -St.-Pb., 1890.
22. Braune W. Althochdeutsch und Angelsächsisch //Beiträge, Bd. 43, 1918.-C. 361-445 и 555.
23. Bremer O. Ethnographie der germanischen Stämme//Grundriss der germanischen Philologie, hrsg. v. H. Paul, 2. Aufl., Bd. III, 1900.-C. 734-950.
24. Brinkmann H. Sprachwandel und Sprachbewegungen in althochdeutscher Zeit. -Jena 1931.
25. Bruckner W. Die Sprache der Langobarden.-Straßburg, 1895.
26. Eric C. G. Graf Oxenstierna. Die Urheimat der Goten. -Leipzig-Stockholm, 1945.
27. Frings Th. Karg-Garsterstedt E. Althochdeutsches Wörterbuch.-Berlin, 1952 и след.
28. Hirt H. Handbuch des Urgermanischen, T. I-III.-Heidelberg, 1931-1934.
29. Hirt H. Indogermanen, ihre Verbreitung, ihre Urheimat und ihre Kultur, Bd. I-II.-Straßburg, 1905-1907.
30. Holthausen F. Altenglisches etymologisches Wörterbuch. -Heidelberg, 1934.
31. Holthausen F. Vergleichendes und etymologisches Wörterbuch des Altwestnordischen. -Göttingen, 1948.
32. Jahn M. Die Heimat der Wandalen in Norwegen//Acta Archaeologica, Bd. 8, 1937.-C. 149-167.
33. Karsten T. E. Die Germanen. Eine Einführung in die Geschichte ihrer Sprache und Kultur. -Berlin u. Leipzig, 1928.
34. Kluge F. Nominale Stammbildungslehre der altgermanischen Dialekte. - Halle, 1886 (2. Aufl., - Halle, 1926).

35. Kluge F. Etymologisches Wörterbuch der deutschen Sprache, bearbeitet von W. Mitzka, 18. Aufl. -Berlin, 1960.
36. Kossinna G. Die Herkunft der Germanen. Zur Methode der Siedlungsarcheologie. 2. Aufl. -Würzburg, 1920.
37. Kossinna G. Ursprung und Verbreitung der Germanen in vor- und frühgeschichtlicher Zeit.-Leipzig, 1928 (2. Aufl.- 1934).
38. Krause W. Handbuch des Gotischen. -München, 1953.
39. Lessiak P. Beiträge zur Geschichte des deutschen Konsonantismus. -Prag, 1933.
40. Loewe R. Die ethnische und sprachliche Gliederung des Germanen.- Halle, 1899.
41. Loewe R. Die Reste der Germanen am Schwarzen Meer. -Halle, 1896.
42. Maurer F. Nordgermanen und Alemannen. Studien zur germanischen und frühdeutschen Sprachgeschichte, Stammes- und Volkskunde.-Straßburg, 1942 (3. Aufl. -Bern-München, 1952).
43. Maurer F. Oberrheiner, Schwaben, Südalemannen. -Straßburg, 1942.
44. Mitzka W. Hochdeutsche Mundarten//Deutsche Philologie im Aufriß, hrsg. v. W. Stammler, Bd. I, 2. Aufl.-Berlin, 1957.-C. 1599-1727.
45. Neckel G. Die Verwandtschaften der germanischen Sprachen untereinander. - „Beiträge“, Bd. 51, 1927.-C. 1-17.
46. Nerman B. Die Herkunft und die frühesten Auswanderungen der Germanen//Kungl. Vitterhetens, Historie och Antikvitets Akademien Handlingar, I, 5. - Stockholm, 1926.
47. Pokorny J. Indogermanisches etymologisches Wörterbuch, Bd. I. -Bern, 1947-1959.
48. Richter E. Beiträge zur Geschichte der Romanismen, Bd. I. -Halle, 1934.
49. Rohlfs G. Sprachgeographische Streifzüge durch Italien//Sitzungsberichte der Bayerischen Akademie der Wissenschaften, phil.-hist. Kl. Jhg. 1944-1946, H. 3.
50. Schönfeld M. Wörterbuch der altgermanischen Personen- und Völkernamen. -Heidelberg, 1911.

51. Schröder E. Deutsche Namenkunde. 2. Aufl. -Göttingen, 1955.
52. Schröder E. Sachsen und Cherusker. — „Niedersächsisches Jahrbuch für Landesgeschichte“, Bd. 10, 1933.-C. 5-28.
53. Schwarz E. Goten, Nordgermanen, Angelsachsen. Studien zur Ausgliederung der germanischen Sprachen.- Bern-München, 1951.
54. Schwarz E. Thüringer, Angeln und Warnen//Jahrbuch für fränkische Landesforschung, Bd. 11/12, 1953.-C. 23-28.
55. Siebs Th. Die Friesen und ihre Sprache//Die Friesen und ihre Sprache, hrsg. v. C. Borchling u. R. Muß, 1931.-C. 56-76.
56. Steinbach F. Studien zur westdeutschen Stammes-und Volksgeschichte. -Jena, 1926.
57. Steinbach F., Petri F. Zur Grundlegung der europäischen Einheit durch die Franken. -Leipzig, 1939.
58. Steinger W. Die Sprache des Heliand//Ndd. Jhb., Bd. 51, 1926.-C. 1-54.
59. Steinhauser W. Kultische Stammesnamen in Ostgermanien//Die Sprache, Bd. 2, 1950.-C. 1-22.
60. Vasmer M. Russisches etymologisches Wörterbuch, Bd. I—III. -Heidelberg, 1950-1958.
61. Wackernagel W. Sprache und Sprachdenkmäler der Burgunden. (W. Wackernagel. Kleine Schriften, Bd. III. Leipzig, 1874.-C. 334-416).
62. Wrede F. Die Heimat der altsächsischen Bibeldichtung//ZfdA, Bd. 43, 1899.-C. 333-360.
63. Wrede F. Ethnographie und Dialektwissenschaft//Historische Zeitschrift, Bd. 88, 1902.-C. 22-43.
64. Wrede F. Über die Sprache der Ostgoten in Italien.-Straßburg, 1891
65. Wrede F. Über die Sprache der Wandalen. -Straßburg, 1886.
66. Zimmer H. Ostgermanisch und Westgermanisch//ZfdA, Bd. 19, 1876.-C. 393-462.

## Шартли қисқартмалар

агс. - англл-саксон диалекти тили

алем. - алеманн диалекти тили

бав. - бавар диалекти тили

болт. - болтиқ диалекти тили

брет. - бретон диалекти тили

бург. - бургун диалекти тили

вестгот. - вестгот диалекти тили

герм. - герман тили

голл. - голланд тили

грек. - грек тили

гот. - гот тили

ж. нем. - жанубий немис диалекти

ингл. - англиз тили

ингв. - ингвеон тили

исп. - испан тили

ирл. - ирланд тили

итал. - италий тили

карел. - карел тили

кельт. - кельт тили

кент. - кент диалекти

кимр. - кимр тили

корн. - корн тили

ланг. - лангобард тили

латиш. - латиш тили

лесб. - лесбий диалекти

лит. - литва диалекти

лот. - лотин тили

лот. - лотарингия диалекти

люкс. - люксембург тили

нем. - немис тили  
нидерл. - нидерланд тили  
норв. - норвег тили  
оск. - оск тили  
остгот. - остгот тили  
озарб. - озарбайжон тили  
португ. - португал тили  
рип. - рипуар диалекти  
рун. - рун тили  
рус. - рус тили  
р. франк. - рейн франк диалекти  
сканд. - скандинав тили  
слав. - славян тили  
тат. - татар тили  
туркм. - туркман тили  
тюринг. - тюринген диалекти  
умбр. - умбр тили  
уэсс. - уэссек тили  
фар. - фарер тили  
фин. - фин тили  
флам. - фламанд тили  
франк. - франк тили  
франц. - француз тили  
фриз. - фриз тили  
хетт. - хетт тили  
шарқий сканд. - шарқий скандинав диалекти тили  
шарқий франк. - шарқий фран диалекти тили  
шв. - швед тили  
шваб. - шваб диалекти  
швейц. - швейцар тили

шим. фриз. - шимолий фриз тили  
э. слав. - эски славян тил  
э. франц. - эски француз тили  
эльз. - эльзасс диалекти  
я. ингл. - янги инглиз тили  
я. нем. - янги немис тили  
я. фриз. - янги фриз тили  
ўзб. - ўзбек тили  
ў. ингл. - ўрта инглиз тили  
ўюнт. - ўрта юкори немис тили даври  
ў. лот. - ўрта лотин тили  
ў. нем. - ўрта немис диалекти  
ў. нидерл. - ўрта нидерланд тили  
ў. қ. нем. - ўрта қуйи немис тили  
ў. қ. франк. - ўрта қуйи франк тили  
ў. франк. - ўрта франк диалекти  
қад. дан. - қадимги дания тили  
қад. ғарб. фриз. - қадимги ғарбий фриз тили  
қад. ҳинд. - қадимги ҳинд тили  
қад. ирл. - қадимги ирланд тили  
қад.исл. - қадимги исланд тили  
қад. лит. - қадимги литва тили  
қад. қуйи нем. - қадимги қуйи немис тили  
қад. норв. - қадимги норвег тили  
қад. қуйи франк. - қадимги қуйи франк тили  
қад. фриз. - қадимги фриз тили  
қад. сакс. - қадимги саксон тили  
қад. сканд. - қадимги скандинав тили  
қад. франк. - қадимги франк тили  
қад. шв. - қадимги швед тили

кад. ж.н.т. - қадимги жанубий немис тили

қ. нем. - қуйи немис тили

қрим гот. - қрим готи тили

қ. франк. - қуйи франк тили

кюнт. - қадимги юқори немис тили

ғарб. герм. - ғарбий герман тили

ғарб. сканд. - ғарбий скандинав тили

ғарб. ўрта нем. - ғарбий ўрта немис диалекти

х. е. - хиндевропа тили

## Мундарижа

|                                                                                              |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш. Этимология: мақсад ва вазифалари.....                                                 | 3  |
| Герман тилларининг фонетик қонуниятлари .....                                                | 8  |
| Туркий тилларнинг умумий фонетик қонуниятлари.....                                           | 13 |
| Грамматик ва лексик шаклларнинг этимологияси .....                                           | 16 |
| Этимологияда этник омиллар. Этноойконимлар.....                                              | 19 |
| Топонимлар этимологияси .....                                                                | 65 |
| Табиат ва астрономик тушунчалар, инсон фаолияти билан<br>боғлиқ предметлар этимологияси..... | 71 |
| Хулоса.....                                                                                  | 76 |
| Фойдаланилган адабиётлар .....                                                               | 77 |
| Қўшимча адабиётлар.....                                                                      | 80 |
| Шартли қисқартмалар.....                                                                     | 84 |
| Мундарижа.....                                                                               | 88 |